

Маҳалла идорасида ўтказилган маърифий суҳбатларимиздан бири “Қайнона-келин муносабатлари” мавзусида бўлди. Маъруза асносида: “Азиз қайнонажонлар, бир вақтлар ўзларингиз ҳам келин бўлганингизни, келинлар, бир кун келиб ўзингиз ҳам қайнона бўлишингизни унутманг”, деганимда бир онахоннинг кўзлари ёшланди.

Икки кун ўтиб, ўша онахон менга қўнғироқ қилди. Салом-алиқдан сўнг беш овсини борлигини, аҳил-иноқ ҳаёт кечириётганини, қайнонаси ундан рози бўлиб, умрининг охирида ёнига чорлаганини ва бутун оилани унга омонат топшириб кетганини айтиб йиғлади. Аҳамиятли томони шуки, онахон овсинлари билан опа-сингилдек яқин эканлари, тўю маъракада ба-маслаҳат, ҳамжиҳатлик билан иш тутишларини билдирди.

Бу сўзларни эшитиб: “Яхши келин бўлиб қайнонагизнинг кўнглини олган экансиз”, дедим ҳавас билан. Шунда онахон қўнғироқнинг асл сабабига ўтди. “Уч келиним бор, иккитаси жуда одобли, Худога шукр. Аммо учинчиси тарбиясиз чиқди. Қаердадир хато қилдим, шекилли, бемаза келинга учрадим”, деди хафа бўлиб.

Сўзларидан бу кайвони онахоннинг бироз далдага эҳтиёжи борлигини сездим. “Онажон, бу бир хатонинг бадали эмас, савобли ишга васила бўладиган сабаб-ку! Она уйда ўйинқароқ бўлиб ўсган қизни Аллоҳ сизга йўлиқтирибди. Уч ўғил, икки келин-қиз-



Шукр ва яхши хушқ

қалблар калити

нинг онаси эдингиз. Уларнинг сафига яна бир келинни қизингиз қилиб қўшинг”, деб онахонга келиннинг неъмат бўлиб келганини айтдим. Суҳбат сўнгида уни раъбатлантирдим: “Енгингизни шимариб, қизингизга Аллоҳдан ҳидоят ва инсоф сўраб, тарбияни бошланг!”

Азизларим, ҳар бир қувончу ғам замирида бир неъмат борлигини англашимиз, ҳар бир мусибатга яхшилик кўзи билан қарашни ўрганишимиз керак. Ар-Роҳман сурасида бир оят бот-бот такрорланади: **“Бас, Раббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?!”**

Айтганча, онахонга келинини ўғлидан ажратиб, бошқа келин олишни маслаҳат берганлар ҳам талайгина экан. Аксарият инсонлар осон йўлни танлайдилар. Лекин бир оилани осонгина йўқ қилиш ўрнига борини тарбиялашни ўйлайлик. Аслида, ўша “шўхроқ”

келинининг Аллоҳга ёққан бир хислати бўлган, акс ҳолда уни ҳозирги қайнонасига эмас, балки ўзига ўхшаганроқ қайнонага келин қилиб қўйган бўларди.

Шундай экан, Аллоҳнинг тақдирига, неъматларига ношукрлик қилмайлик. Ёмонликни яхшилик билан доволайлик. Хулқи ёмон биродарларимизнинг қалбига йўл топишга ҳаракат қилайлик. Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида: **“Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбариди гўзал намуна бордир”**, деб марҳамат қилади.

Суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олий хулқларидан ўрнак олиб, гўзал амалларимизни кўпайтирайлик. Зеро, динимиз тинчликпарварлик ва мулоимликни тарғиб қилади. Қайси мусулмонда шу уч хислат бор экан, у ҳар қандай қалби қулф инсоннинг кўнглига йўл топа олади. Менга қўнғироқ қилган онахон бунга далил. Чунки ярим йил ўтиб, савдо марказида уни кўриб қолдим, ёнида ёшгина келини. Онахоннинг кўзларига қараб аҳвол яхшилигини сездим. Бир-бирларига меҳр билан муомала қилаётган эдилар. “Қайси келинингиз?” деб сўрадим. Онахон мамнун ҳолда, қувонч билан: “Учинчи келин-қизим”, деди. Хайрлашаркан, мени қаттиқ бағрига босди. Кўнглимга ўзгача севинч кириб, бутун вужудимни қамради.

Дилноза ШОДМОНОВА,

Нарпай тумани

“Наврўз” маҳалласи отинойиси

Мундарижа



Шукр ва яхши хулқ – қалблар калити.....1	Ўқимишли оналар –
Маҳрни қайтариб олиш жоизми?3	тараққиётимиз тамали..... 18
Аёллар ҳам мукаллафдир4	Тептириш бепуштликка,
Эринг сенга устун бўлади.....5	ҳасип рахитга шифо бўлармиди?.. 19
Қурбон қилинган иффат6	Дуоси мустажоб аёллар..... 20
Аёлларга хос масалалар..... 7	У Зотга суюкли экансиз... 21
Хоҳлаганини азиз,	Nabiy alayhissalomning
хоҳлаганини хор этади8	jonivorlarga mehribonliklari..... 22
Ҳинд бинти Утба розияллоху анҳо.....10	Она ўз фарзандини сотса... 23
Улуғлар қандай намоз ўқишган?.....11	Олти хислат – жаннатга кафолат 24
“Кешбек” олиш дурустми? 12	Гузайя..... 25
Болани нима бузади?.. 14	Телефонда кислород борми?..... 26
Ғам-андуҳни кетказишнинг	Ўгай она 28
27 йўли..... 16	Эркакларнинг туғишганлари..... 31
Эй қизим!.. 17	Овқатга туз қандай солинади? 32

Маҳрни қайтариб олиш жоизми?

Қайнона мурожаат қилиб келди: “Ўғлим билан келиним ажрашиб кетишди. Ўғлим маҳрга берган тиллаларни олиб қолдим. Ўғлимнинг пулига келган. Бошқа уйланса, шуни маҳрга берса бўладими?”

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: **“Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан беринг! Агар сизларга ўзларидан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар... (Нисо сураси, 4-оят).**

Маҳрни Аллоҳ таоло эркакларга вожиб қилган. Уйланиш вақтида келинга куёв томонидан тақдим этиладиган никоҳ бадали “маҳр” дейилади. Маҳр – никоҳ олдидан куёвнинг келинга берадиган совғаси бўлиб, ундан икки томон ўртасида меҳр-муҳаббат туғилиши умид қилинади. Маҳр келиннинг дахлсиз мулкидир. Уни мажбурлаб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бахтли ҳаёт қуришни мақсад қилган келин-куёв турмушнинг дастлабки кунлариданоқ бир-бирларига ўзаро муҳаббат қўйишлари, моддий ва маънавий бойликни бир-бирларидан аямасликла-

ри маҳр орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам маҳр миқдори камтарона, куёвга малол келмайдиган даражада бўлиши, келин ҳам бу борада куёвга энгиллик бериши маъқуллигини таъкидлаганлар.

Ҳадиси шарифда: **“Харажати энгил никоҳ баракалидир”**, дейилади (*Имом Аҳмад ривояти*).

Аммо айрим вилоятлар ва туманларда куёвнинг отаси келин томонга “қалин пули” бериш одати бор. Айримлар шуни маҳр дейишади. Шаритимизда қалин пули бериш тўғрисида бирор кўрсатма ёки тавсия йўқ. Шундай бўлгач, қалин пули эмас, маҳрга кўпроқ диққат ва эътибор қаратсак, яхши бўлади.

Ажрашиб кетаётган оилаларда келинга маҳр қилиб берилган нарсаларга ҳам эга чиқадиганлар бор. Ваҳоланки, шариат ҳукмига кўра, маҳр келиннинг ҳақи ҳисобланади. Ҳеч ким, ҳатто эри маҳрни келиннинг рухсатисиз, розилигисиз ишлата олмайди.

Баъзи хонадонларда келинга икки хонали уйни ёки

биронта кўчмас мулкни маҳрга бердик, дейишади. Аммо орада ажрим бўладиган бўлса, маҳрни олиб қолишади. Бунга сабаб маҳр ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганларидир.

Яна бир ҳолат: йигитларимиз орасида “Жазоси битта узук бўлса, бошқага уйланавераман”, деган тушунча билан “талoқ” сўзини бемалол ишлатаверадиганлар ҳам йўқ эмас. Никоҳ, маҳр, эрнинг оиладаги масъулияти, аёлнинг вазифалари ҳақида шариат ҳукми билмаганлари учун шундай қилишади. Аммо шариат аҳкомларига энгил қараш жоиз эмас, азизлар!

Оила аталмиш қўрғоннинг мустаҳкам бўлишини ният қилган ҳар бир никоҳланувчи турмуш қуришдан аввал “Маҳр ҳақида”, “Оиладда эрнинг вазифаси”, “Оиладда аёлнинг вазифаси”, “Аҳли оила нафақаси” мавзусидаги илмларни яхши эгаллаб олишлари зарур.

Мунира АБУБАКИРОВА,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Хотин-қизлар бўлими мутахассиси

Аёллар ҳам мукаллафдир

Қиз бола албатта ўқиши шарт. Чунки ўғил болалар каби улар ҳам Аллоҳнинг бандаси, жамиятдаги бир шахс. Шариатда аёлларнинг ҳам олдиларига қўйилган бурч ва масъулиятлар бор. Улар ана ўшалардан жавобгар ҳисобланишади.

Эркаклар мукаллаф бўлгани каби аёл-қизларимиз ҳам мукаллаф. Уларга ҳам тақлифотлар, мажбуриятлар, фарз амаллар юклатилган. Аёл киши таълим олмас, буларни адо этиши қийин. Муқаддас китобимизда: **“Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг...”** (Таҳрим сураси, 6-оят), дейилган. Дўзах оловидан эса фақат илм билан ва унга амал қилиш туфайли нажот топиш мумкин. **“Аҳлингиз”** дейилганда ён-атрофдаги уларга тегишли аёллар (она, рафиқа, қиз, опа-сингиллар) назарда тутилган. Бу калиманинг маъносини теран англаб етган солиҳларимиз, олимларимиз ўзларига тегишли хотин-қизларини ҳеч қачон илмсиз қолдиришмаган.

Ҳадиси шарифда: **“Ким бир жорияси (чўраси)га яхши одоб ва таълим бер-**

са ҳамда уни озод қилса ёхуд уйланиш истаги пайдо бўлиб, оила қурса, унга икки ажр бордир”, дейилган (Имом Бухорий ривояти). Демак, чўрини оилали, бахтли-саодатли қилиш баробарида уни илмли этиш эвазига катта мукофот ваъда қилинган.

Бир жориянинг таълимига эътибор берган Ислом шариати озод аёлларга таълим олиш ҳуқуқини

ундан-да зиёда этиб қўйган. Таъкидлаш керак, бирор оят ёки ҳадисда қизларга илм шарт эмас, улар фақат уйда ўтириб, ўз вазифасини бажарсин, дейилмаган. Аёл киши фақат эрига қараши, болаларини боқиш билан кифояланиши керак, дейилмаган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча аҳли аёллари илмли бўлишган. Улар Қуръон ёдлаган, фатво беришда, фикҳий масалаларда замонасининг пешволаридан саналган. Катта-катта саҳобийлар келиб, улардан маслаҳат сўрашган. Агар бу ножоиз бўлганида, ундан кўра хайрлироқ амаллар бўлганда эди, аввало, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўшани амалга оширган бўлардилар.

Хотин-қизларнинг илм олишлари учун шароит яратилиши керак. Аёлликларидан келиб чиқиб, табиатларига мос илм бўлиши тавсия қилинади. Келгусида ўз соҳаларида ишлаб, жамиятга фойда келтириш мақсади пайдо бўлса, ўзларига мос ишда ишлашлари лозим.



Аёл-қизларимизни ўқитишдан кўзланган яна бир мақсад: уларнинг эътиборлари моддиятларга қаратилиши, ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб кетишларининг олдини олишдир. Бўш қолиб маросимма-маросим, бозорма-бозор юриб, вақтларини, кучларини кераксиз нарсаларга сарфламасликлари зарур. Уларнинг руҳий бўшлиқларини илм билан тўлдириш керак.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари биз – қизларига ҳеч қачон илм олишдан кўра уй-рўзғор ишлари билан банд бўлишимизни тарғиб қилмасдилар. Аксинча, ўқишимизга катта эътибор қаратиб, биздан буни қаттиқ талаб қилардилар. Илм билан машғуллигимизни билсалар, хурсанд бўлардилар.

Отамизнинг аёллар илмига бўлган рағбатини уларга берадиган таърифларидан сезар эдик. Бирор аёлни мақтамоқчи бўлсалар, “У ўқиган, илмли аёл”, дердилар. Агар қайсидир аёлдан норозиликларини ифодамоқчи бўлсалар, “Ҳа, ўқимаган-да”, деб кўярдилар. Уларнинг наздидаги ўлчов – ўқиш эди.

Нафақат диний, дунёвий билимларни ўрганиш ҳам аёллар учун жоизлигини айтардилар. Нашриётимизда ишлайдиган муҳаррир опамиз ўз ишининг устаси бўлгани учун уни мақтар эдилар.

Аллоҳни ҳақиқий таниган инсонлар, албатта, қизларини ўқитишга, уларнинг илмли бўлишларига эътибор қаратади. Ҳозир қизлар таълимига имкон қадар урғу бериляпти, кун келиб бу ҳаракатларнинг натижасида динимизга, жамиятимизга, халқимизга фойда бўлади, иншоаллоҳ.

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ



Эринг сенга устун бўлади

Имом Ғаззолий “Ихёу улумид дин” китобида замонасининг тақводор аёлларидан бири бўлган Асмо бинти Хорижанинг қизига қилган насиҳатларини келтиради.

* * *

Сен унга ер бўл, у сенга осмон бўлади.
Сен унга ўрин бўл, у сенга устун бўлади.
Сен унга чўри бўл, у сенга қул бўлади.
Унга хиралик қилма, ёқтирмай қолади.
Ундан узоқлашма, эсдан чиқариб қўяди.
Сенга яқин бўлса, унга яқин бўл.
Нима келтирса, шунга қаноат қил.
Эрингнинг ҳақини ўзингикидан устун кўр.
Эрингнинг қариндошининг ҳақини ҳам устун кўр.
Интизомга ва тозалikka риоя қил.
Қўшниларинг билан яхши муносабатда бўл.
Намозларингни вақти кириши билан ўқи!

* * *

Гапирганида яхшилаб тингла ва амрларига итоат эт.

Уйинг ва ҳамма нарсанг доимо покиза ва батартиб бўлсин.

Эрингнинг овқатланиш вақти билан уйқу вақтига эътибор бер. Очлик инсоннинг феълини бузади, уйқусизлик эса тез жаҳлини чиқаради.

Уйини, молларини ва нарсаларини яхши сақла. Яхшиликларингни юзига солма.

Эрингнинг яқинларига яхши муомалада бўл.

Эрингнинг сирларини ҳеч кимга айтма!

Эрингдан олишга қийналадиган ва кучи етмайдиган нарсаларни сўрама.

Қизим, ота-онанинг юзини ерга қаратма, ака-уканг шаънини ҳаммаша ҳимоя қил.

Сенинг бахтинг – бизнинг бахтимиз. Унутма, сен миллат ва Ислому юзисан!



Қурбон қилинган *иффат*

ҳамда дўкончи йигит турарди.

Судда аёллар ўзларини ниҳоятда жабрдийда қилиб кўрсатишди. Айтишларича, дўкондор йигит оилали бўлатуриб, бу қизни йўлдан урган ва у ҳозир ҳомиладор. Уйланмаса, йигитни қаматишармиш.

Уларга қараб нима дейишимни билмасдим. Ичимда “Эсизгина қиз, шундай беҳаё онанинг ортидан шу аҳволга тушиб қолганини билармикин?!” дея ўйладим...

Азизларим! Ўз оёғимизга ўзимиз болта урмайлик. “Қилмиш – қидирмиш”, дейдилар. Тарбия, аввало, оиладан бошланади. Ота-онанинг ўзи тарбияли бўлсагина, ўғил-қизларига яхши одоб бера олади. Бу борада, айниқса, отанинг ўрни бўлиши керак. Аёли ва қизларига жиддий эътибор бериши шарт. Фақат моддий таъминот билан иш битмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам отанинг моддий таъминотидан маънавий таъминоти устун туришини таъкидлаб, бундай марҳамат қилганлар: **“Ҳеч бир ота ўз фарзандига гўзал одобдан-да ортиқроқ ҳадя бера олмайди”** (Имом Термизий ривояти).

Бойлик, мол-дунё деб ўзларини ўтга, чўққа уриб, фарзандлар тарбиясига безътибор бўлаётган ота-оналар бир ўйлаб кўришлари лозим.

Наслимиз давомчиси бўлган ўғил-қизларимиз тарбияси мол-дунёдан устун. Сиз қийналиб топган ўша бойликларингизни билимига ва тарбиясига эътибор бермаган фарзандларингиз қандай сарфлайди, қадрига етадими?

Айниқса, қизларимизга сеп-сидирға тўплашдан олдин гулғунчаларимизни илмли, ҳунарли қилайлик. Келажакда ўзга хонадонга борганда ўша ерда бахтли яшаши учун гўзал одоб-ахлоқни, турмуш ўртоғи ва унинг яқинларини иззат-ҳурмат қилишни ўргатишимиз даркор. Турмушнинг оғир-енгилига, қийинчиликларига, бор-йўғига кўнадиган, сабр-бардошли қилиб тарбиялайлик. Қизларимизни қиммат телефонлар эмас, китоблар билан ошно этайлик. Зиёли уйда улғайган, яхши тарбия кўрган, ҳаёли қиздан ҳеч қачон ёмон келин чиқмайди.

Онажонлар, қизлар тарбиясига жиддий ёндашайлик. Қизларимизни ёруғ юз билан узатиш ҳаммамизга насиб қилсин!

Азиз қизларим, ҳар бирингиз бахтли яшашга ҳақлисиз, бахтингиз қўлингизда, ўзингизни асранг!

Ҳосият ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Косонсой тумани
“Равот” маҳалласи
отинойиси

Эгнимга енгилроқ кийим олиш ниятида бозор айланишга чиқдим. Дўконларнинг бирида гўё ўзларини замонавий чоғлаб ярим яланғоч кийиниб олган аёлларга ҳеч нарса ёқмасди. Ҳали у кийимни, ҳали бу кийимни ушлаб кўрар, нархини сўрардилар. Охири дўкончи йигитнинг тоқати тоқ бўлиб: “Ўзи нима олмоқчисизлар? Бошқалар билан ҳам савдо қилишим керак”, деди. “Вой, сиздек йигитдан савдо қилмасак, кимдан савдо қиламиз?!” деди она ва қизига бир қараб қўйди. Ҳозирча уларнинг дидига мос либос йўқлигини, янгиси келса, яна келишларини айтиб, дўкончи йигитнинг телефон рақамини олиб чиқиб кетишди...

Орадан бир йилча ўтиб, туман судида кўриладиган бир оиланинг масаласи бўйича отинойи сифатида мени ҳам чақиришди. Бориб ҳайратда қолдим. Не кўз билан кўрайки, қаршимда ўша она ва қиз

Аёлларга хос масалалар

Қон келмаган кунларнинг ҳукми

Нифос кунлари аёл қон кўргач, ўн беш кун пок юрса, сўнг яна уч кун қон кўрса, ўттиз саккиз куннинг ҳаммаси нифос бўлади.

Чунки нифоснинг энг кўпи қирқ кундир. Қирқ кун ичида қон келмаган кунлар ҳам нифос бўлади. Масалан, бир аёл нифосда ўн кунга қон кўриб, қони тўхтаб, қирқинчи куни яна қон келса, қирқ куннинг ҳаммаси нифос ҳисобланади.

Охирги ҳолатда, яъни ўн кунда нифос қони тўхтаган аёл ўзини пок бўлган деб ҳисоблагани учун ғусл қилиб, намоз ўқиши, агар Рамазон ойи бўлса, рўза тутиши лозим. Лекин қирқ кун ичида яна қон кўрса, нифосда экани маълум бўлади. Шунда намоз ўқишни ва рўза тутишни тўхтатади. Қони тўхтаганида тутган рўзалари ҳисоб бўлмайди.

Икки ҳайз орасидаги поклик

Икки ҳайз орасидаги покликнинг энг кам муддати ўн беш кундир. Яъни ҳайздан тоза бўлгач, ўн беш кундан сўнг келган қон ҳайз ҳисобланади. Икки ҳайз орасидаги поклик ўн беш кундан кўп, ойлаб, йиллаб чўзилиши ҳам мумкин.

Ҳайз ва нифосдаги одат неча кун?

Аёлнинг ҳайз одати уч кундан ўн кунга чадир. Масалан, бир бор етти кун саҳиҳ ҳайз кўрса, демак, ҳайзидаги одати етти кун ҳисобланади. Яъни, одатидан кейин бир марта ўн кундан ошиқ кўрса, у ўнинчи куни ғусл қилади. Эски одатини эътиборга олиб, етти кундан кейинги намоз-

лари қазосини ўқийди. Боиси келган қоннинг фосид экани маълум бўлди. Сабаби у ўн кундан ошди. Одат эса бир мартада собит бўлади.

Агар аёлнинг одати йиллар бўйи 8 кун бўлса, сўнгра етти кун ҳайз кўрса, кейин қони ўн кундан ошса, у охирги кўргани, яъни етти кунга қайтаради. Чунки одат бир мартада собит бўлади. Етти кундан кейинги (ибодатдаги) қазоларини ўтайди.

Агар икки йил қон келиши тўхтаса, кейин қон қайтса, сўнг саккиз кун келишни одат қилса, ҳайзи саккиз кун ҳисобланади.

Шунингдек, аёлнинг покликлиги ҳам худди шундай. Саҳиҳ поклик ўн беш кун ва ундан кўпроқдир. Агар аёл ўн етти кун поклик кўрса, шундан кейин бардавом қон келадиган бўлса, аёл ўн етти кун поклик кўради деб эътибор қилинади.

Агар аёл одатининг адади кўчса, яъни ҳайз ва покликдаги саҳиҳ одатининг адади ўзгарса, бу ҳолда янги адад унинг одати ҳисобланади.

“Ҳайз ва нифос илми зубдаси” китобидан

Юлдуз АСҚАР қизи таржимаси

Муҳим маслаҳат

Ҳайз кўрган аёл вужуди темирнинг маълум фоизини йўқотади. Агар у яхши овқатланмаса ва ичакларида гастрит, яллиғланиш бўлса, қонида гемоглобин камайиб, темир танқислиги – камқонликка чалинади.

Бундай ҳолда қон айланиши бузилади, натижада сочлари етарли озуқа ололмай, қўп тўкила бошлайди. Бундай ҳолда туғиш ёшидаги аёллар ҳафтасига 2–3 марта қизил гўшт истеъмол қилишлари керак. Мол тили, нўхат ейиш ҳам фойдали.

Хоҳлаганини азиз, хоҳлаганини хор этади

«Сен: “Эй барча мулкнинг эгаси Раббим! Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингда. Албатта, Сен ҳар бир нарсасага қодирсан.

Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан”, деб айт» (Оли Имрон сураси, 26–27-оятлар).

Ҳазрат Али розияллоху анху Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилади: «Аллоҳ таоло Фотиҳатул Китоб ва Оятул Курсий ҳамда “Аллоҳ шоҳидлик берди” ва “Эй барча мулкнинг эгаси Раббим!” ва “...беҳисоб ризқ берурсан” оятларини нозил қилмоқчи бўлганида улар Аршга ёпишиб олишди. Аллоҳ билан ўрталаарида тўсиқ йўқ эди. Улар: “Ё Раб, бизларни гуноҳлар дунёсига, Сенга осийлик қиладиганларга туширасанми?” дейишди. Аллоҳ айтди: “Иzzатим ва улуғлигимга қасам, сизларни фарз намоз ортидан ким ўқиса, албатта, қандай гуноҳи борлигига қарамай, уни жаннатга киритаман, ҳар куни унга раҳмат назари билан етмиш марта назар соламан. Ҳар куни унинг етмиш ҳожатини раво қиламан, уларнинг энг кичиги мағфиратдир. Уни душмандан асрайман ва уни ғолиб қиламан. Уни жаннатга киришдан фақат ўлим тўсиб туради”».

Муоз ибн Жабал розияллоху анху бундай дейди: «Бир куни Набий алайҳиссалом олдиларига боролмай қолдим. У зот билан жума намозини ўқиёлмадим. Набий алайҳиссалом: “**Эй Муоз, бугун жума намозидан қолишингга нима тўсқинлик қилди?**” деб сўрадилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ, яҳудий Юҳанно ибн Бариядан бир уқия олтин қарздор эдим. У эшигим олдида мени пойлаб турганди. Сизнинг олдингизга боришимдан тўхтатиб қолишидан кўрқдим”, дедим. Набий алайҳиссалом: “**Эй Муоз, Аллоҳ таоло қарзингни ўтаб беришини истайсанми?**” деб сўрадилар. Мен: “Ҳа”, деб жавоб қилдим. У зот алайҳиссалом: “**Эй барча мулкнинг эгаси Раббим!**” дан “...беҳисоб ризқ берурсан” оятигача ўқидилар. Сўнгра: “**Дунё ва охират Раҳмони ва Раҳими. У иккисидан хоҳлаган бандангга берасан ва хоҳлаган бандангга бермасан. Менинг қарзимни ўтаб бер**”, дедим, **гарчи қарзинг ер тўлатилла бўлса ҳам, Аллоҳ таоло уни сенга адо этиб беради**”, дедилар».

Аъто Хуросоний раҳимахуллоҳ Муоз ибн Жабалдан ривоят қилади: «Айтади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менга Қуръондан оятлар (ёки калималар) ўргатдилар ва дедилар: “**Ер юзида ғамга ботган, зарар кўрган ёки қарздор бўлган бирор-бир мусулмон улар билан дуо қилса, Аллоҳ уни қарздан қутқазади ва ғам-ташвишини аритади**”.

Ибн Аббос, Анас ибн Молик розияллоху анхумо айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга Макка фатҳ бўлганида, умматларига Форс ва Рум мулкни ваъда қилдилар. Шунда мунофиқ ва яҳудийлар: “Бўлиши мумкин эмас. Муҳаммадга Форс ва Рум мулки қаердан ҳам насиб бўлсин?! Улар қудратли ва забт этиб бўлмас чўққилардир. Муҳаммадга Макка ва Мадина етмайдами?! Форс ва Румни умид қилмаса”, дедилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: “**Эй барча мулкнинг эгаси Раббим!**» Қатода айтади: “Менга Набий алайҳиссаломнинг Аллоҳ аза ва жалладан умматларига Форс мулкни беришини сўраганлари хабарини эшитдим. Шундан сўнг Аллоҳ таоло ушбу сурани нозил қилди”. Муқотил раҳимахуллоҳ айтади: “Набий алайҳиссалом Аллоҳ таолодан Форс ва Рум мулкни олиб беришни сўраганларида Аллоҳ таоло у зотга ушбу дуони таълим берди”.

Мужоҳид раҳимахуллоҳ “мулк”дан мурод нубувват, деган. Бир ўринда “ғалаба” дейилади. Яна бир ўринда “мол-мулк ва қулар” дейилган.

Зажжож раҳимахуллоҳ: «“...Эгаси”дан мурод “Бандаларининг ва улар эгалик қиладиган нарсаларнинг Эгасидир”», деган. Бошқа бир ўринда “дунё ва охират Эгаси” деб келган.

“Яхшилик Сенинг қўлингда”. Яъни барча яхшилик ва ёмонлик Сенинг қўлингдандир. Ушбу ояти карима: “...сизларни иссиқдан сақлайдиган кийимлар қилиб қўйди...” (Наҳл сураси, 81) ояти кабидир.

Бир ўринда: “Оятда яхшилик-



нинг хосланишига сабаб, у дуо ҳамда Аллоҳнинг фазлига рағбат қилиш ўрнидадир”, дейилади. Нуқош раҳимахуллоҳ айтади: «**“Яхшилик Сенинг қўлингда”**, яъни “Ғалаба ва ғанимат моллар Сенинг қўлингда”».

Айтишларича, Абу Жаҳл жуда кўп мол-мулкка эгалик қиларди. Бадр куни у қудуққа йиқилди. Суҳайб, Билол ва Ҳабобларнинг мол-мулки йўқ эди. Уларнинг мулки иймон бўлди.

“Эй барча мулкнинг эгаси Раббим! Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан”. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қудуқнинг бошига келиб, бундай нидо қилдилар: **«Эй Утба, эй Шайба: “Хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан”**. *Эй Суҳайб, Эй Билол, сизларни дунё (яъни мол-мулк)дан тўсгани Унинг сизга ғазаби сабабли деб ўйламанг.* **“Яхшилик Сенинг қўлингда”**. *У сизларни ожизлик сабабли ман қилмади.* **“Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан”**. **Ҳақ таолонинг инъоми умумийдир. Ўзи истаганига беради»**.

“Кечани кундузга киритурсан”. Ибн Аббос, Мужоҳид, Ҳасан, Қатода ва Суддий айтадилар: “Биридан камайгани иккинчисига ўтади. Ҳатто кун ўн беш соат бўлади, бу унинг энг

узайганидир. Кеча тўққиз соат бўлади, бу унинг энг қисқарганидир. **“...ва кундузни кечага киритурсан”** ояти ҳам худди шу кабидир. Ибн Масъуд розияллоху анху бундай дейди: **«“Кечани кундузга киритурсан”** ояти лафзларида кеча ва кундузнинг бир-бирини таъқиб қилиши эҳтимоли бор. Гўёки бирининг заволи иккинчисининг киришидир».

Муфассирлар **“Ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан”** ояти борасида ихтилоф қилдилар. Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ: «Оят: **“Мўминни кофирдан ва кофирни мўминдан чиқарурсан”** маъносида деган. Салмон Форсий розияллоху анху ҳам шунга ўхшаш фикр айтган. Маъмар Зухрийдан ривоят қилади: “Набий алайҳиссалом аёллари ҳузурига кирганларида уларнинг олдиларида бир аёл ўтирган эди. У зот алайҳиссалом: **“Бу ким?”** деб сўрадилар. Аёллари: “Холаваччаларингиздан бири”, деб жавоб беришди. Набий алайҳиссалом: **“Ким экан у?”** деб сўрадилар. Аёллари: “Холида бинти Асвад ибн Абдул Яғус”, дедилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Ўликдан тирикни чиқарадиган Аллоҳ покдир”**, дедилар». Боиси у солиҳа аёл кофир отанинг фарзанди эди. Демак, ушбу оятдаги **“ўлик”**-дан мурод кофирнинг қалби, **“тирик”**дан мурод мўминнинг қалбидир. Ўлим ва ҳаёт иккиси бу ерда мажозан ишлатилган.

Аксар уламолар оятда **“ўлик ва тирик”** сўзлари оятда ҳақиқий маънода келган дейишади. Икристима айтади: **“Ўлимтик ҳолида товуққа ҳаёт кириб, у тухумдан чиқади. Ту-**

хум ҳам ўлик ҳолда товуқдан чиқиб, тирикка айланади”, деган. Ибн Масъуд: “Эркакдан нутфа, яъни ўлик ҳолда чиқиб, жонланади. Шунингдек, киши нутфадан тирик ҳолда чиқиб, кейин ўлим топади”, деган. Икристима ва Суддий раҳимахуллоҳ: “Дон бошоқдан чиқади. Бошоқ дондан чиқади. Дана хурмодан, хурмо данадан чиқади”, деганлар.

“...ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан”. Яъни камайтирмасдан ва хасислик қилмасдан ризқ беради. Мисол учун бу воқеликда: “Фалончи ҳисоблаб ўтирмай, кўп беради. Гўёки у бераётган нарсасини ҳисоб-китоб қилмайди”, дейишимиз кабидир.

“Тафсири Куртубий” асосида Норин тумани бош имом-хатиби Камолиддин ҲАМРОҚУЛОВ тайёрлади.



Камолиддин Ҳамроқулов 1965 йилда Наманган вилояти Норин туманида туғилган. 1991 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. 1994 йилдан Норин туманидаги «Ҳаққулобод» жоме масжиди имом-хатиби, 2003 йилдан туман бош имом-хатиби лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳинд бинти Утба

розиаллоҳу анҳо

Исломдан аввал ҳам, кейин ҳам катта шуҳрат қозонган араб аёлларининг бири Ҳинд бинти Утба ибн Раба ибн Абдушамс Умавий халифа Муовия ибн Абу Суфённинг онаси. Ҳинд розияллоҳу анҳо фасоҳати, журъати, ўзига ишончи, ақли ва тўғри фикри билан танилган эди. У шоира ва юксак мурувват соҳиба-си ҳам эди. Заҳабий бу аёлни мақтаб: “Ҳинд қурайш аёлларининг оқиласи эди”, деган. Ҳинд дастлаб маҳзумлик Фокиҳ ибн Муғийра деган қурайшлик кишига турмушга чиқади. Лекин унинг эси пастлигидан озор чекади. Айни сабабга кўра у билан ажрашади. Ундан Абол исмли ўғил дунёга келди. Шундан кейин Ҳиндни Абу Суфён ибн Ҳарб ўз никоҳига олди. У Абу Суфёндан уч ўғил кўради. Улар Муовия, Утба ва Ҳанзала эди. Ислом келганида эр-хотин унинг душманига айланди, улар янги динни тағ-томири билан қўпориб ташлаш учун турли ҳийла-найрангларни ўйлаб топишарди.

Бадр ғазотида Ҳинднинг отаси, амакиси ва акаси ўлдирилди. Унинг амакиси ва отасини ўлдирган жангчи Пайғамбаримизнинг амакиси Ҳамза розияллоҳу анҳу эди. Шунинг учун Ҳинд эртаю кеч отаси, оғаси ва амакиси учун Ҳамза-

дан интиқом олиш тўғрисида ўйларди. Қурайшликлар Бадр мағлубиятидан сўнг ҳаловатларини йўқотди. Ундан кейинги воқеалар бу адоват ўтини оширса оширдик, асло сўндирмади. Орадан бир йилча ўтиб, Уҳуд жангига чиқиш олдидан Ҳамза розияллоҳу анҳунинг ишини бир ёқлик қиладиган номзодни танлашди. У Жубайр ибн Мутъимнинг найзани бехато отадиган қули Ваҳший эди. Ҳинд Ҳамзани ўлдирсанг, қимматбаҳо тақинчоқларимни сенга бераман, деб ваъда қилди. Ваҳший келишувга мувофиқ жангда Ҳамза ибн Абдулмутталибни найза отиб ўлдирди.

“Мадорик” китобида ривоят қилинадик, Макка фатҳи куни Пайғамбар алайҳиссалом эркаклар байъатидан бўшагандан кейин аёллардан байъат олишга киришдилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом Сафо тепасида ҳазрат Умар ўтириб, у зотнинг буйруқларини аёлларга етказар, у зот тарафидан байъат қабул этарди. Ҳинд бинти Утба Расулуллоҳнинг кўзларига кўринишдан қўрқиб, ўзини танитмаслик ниятида ниқоб тақиб келган эди. Яъни Ҳамзага қилган иши учун қўрққанидан юз-кўзини ёпиб олганди.

Шунда у зот: “Мен сизлар билан Аллоҳга бирон нарсани

ширк келтирмасликка байъат қиламан”, дедилар. Ҳазрат Умар ҳам аёллардан Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасликка байъат олди. Сўнг Расулуллоҳ алайҳиссалом улардан ҳеч нарсани ўғирламасликка байъат олдилар. Шунда Ҳинд: “Абу Суфён хасис одам, унинг мolidан ўзига айтмасдан олсам бўладими?” деди. Бу саволни эшитиб, улар кулдилар ва Ҳиндни таниб қолдилар. “Сен Ҳиндмисан?” дедилар Расули акрам. У: “Ҳа, ўша менман, ўтган ишларни афв этинг, эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизни ҳам афв этсин”, деди. Сўнг у зот: “Зино қилмайдилар”, дедилар. Ҳинд: “Хур аёл ҳам зино қиладими?” деб ҳайрон бўлди. Расули акрам: “Болаларини ўлдирмайдилар”, дедилар. Ҳинд: “Биз уларни гўдаклигидан боқиб катта қиламиз, катта бўлганда сизлар ўлдирасизлар. Сизлар буни қилгансизлар”, деди. Ҳинднинг Ҳанзала ибн Абу Суфён деган ўғли Бадрда ўлдирилган эди. Бундан Умар кулиб юборди, ҳатто кулгининг зўридан ётиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса табассум қилиб: “Улар бўҳтон қилмайдилар”, дедилар. Ҳинд: “Ҳа, Аллоҳга қасам, бўҳтон жуда хунук иш, сиз бизни фақатгина тўғрилиқка, ҳидоят ва яхши хулқларга бую-

расиз”, деди. Сўнгра у зот: **“Бирон яхши ишда Сизга итоатсизлик қилмайдилар”** (*Мумтаҳана сураси, 12-оят*), дедилар. Ҳинд: “Аллоҳга қасам, биз бу мажлисда ўтириб, сизга осий бўлишни ўйламаймиз”, деди

Ҳинд розияллоҳу анҳонинг аёллар оламида ўзига хос ўрни бор эди. Исломи фатҳидан сўнг унинг қалбидаги чиркинликлар кетиб, ўзини саҳобия аёллар оламида нодир намуна соҳибаси сифатида намоён этди. Аллоҳ унинг нафсини адоватдан поклади, қалбини кекдан халос этди, ақлидан жаҳолат пардасини кўтарди, ақл-идрокидан ботилликни кетказди. Исломи киргач, у уйидаги бут-санамни болта билан парча-парча қилиб ташлади. Ҳар болта урганда: “Биз сен туфайли алданган эканмиз”, дерди.

Бу нуқтадон аёл Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига ҳаётини масалаларда кўп маслаҳат сўраб келарди ва у зотнинг суҳбатларини эшитиб, таскин топарди.

Ҳинд розияллоҳу анҳо Ҳабибимиз вафотидан қаттиқ ғамга ботди ҳамда Аллоҳнинг динини танигунича зое кетказган умрига ачинди. У қолган умрини обида бўлиб, Расулulloҳ алайҳиссаломга байъат берган ҳар бир аҳдига содиқ ҳолда яшаб ўтди.

*Манбалар асосида
Дилмурод ДАВЛАТОВ тайёрлади.*



Дилмурод Давлатов. 1979 йили Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. 1995–1999 йилларда Андижон вилояти «Саййид Муҳйиддин маҳдум» мадрасасини битирган. Айни пайтда Тошкент ислом институтини модуль таълим тизими 3-босқич талабаси. 2020 йилдан бери Сурхондарё вилояти бош имом-хатиби ўринбосари ҳамда Денов тумани бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

УЛУҒЛАР ҚАНДАЙ НАМОЗ ЎҚИШГАН?

Ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу даврида бир ансор билан бундай воқеа юз берган. У ўз боғида намоз ўқирди. Дарахт шохлари пишган ширадор хурмолар мўл-кўллигидан эгилиб қолганди, бу унинг эътиборини ўзига тортди, мамнун бўлди. Аммо бу ракатлар ададини унутишга сабаб бўлди. Жаҳли чиқиб, уни намоздан чалғитган боғдан воз кечишга аҳд қилди. У Усмон розияллоҳу анҳунинг олдига келиб, боғдан Аллоҳ йўлида фойдаланишини илтимос қилди. Ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу боғини эллик минг дирҳамга соттириб, пулни муслмонлар эҳтиёжига сарфлади. Бу саҳобаларнинг намозга эътиқоди нақадар юксаклигини кўрсатади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу намоз ўқишга чоғланганида (хузурнинг ҳайбатидан) тахланган либос каби бўлиб қоларкан. Намоз чоғи уйдагиларнинг гап-сўзини ҳам эшитмас экан. Баъзан уйдагилар: «Жим, овоз чиқарманглар, Абдуллоҳ намоз ўқияпти», дейишса, у киши: «Истаганларингизни гапираверинг, мен намоздалик пайтимда гапларингизни эшитмайман», деганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо кўз (пардаси) оғришидан изтироб чекарди. Табиб унга бундай деди: “Даволаш мумкин, фақат эҳтиёт чорасини кўришинг керак. Беш кунлаб ерга мукка тушишдан ўзингни тийиб туришинг лозим. Шу боис сажда ни адо этишда тахта мосламадан фойдаланишинг мумкин”. У деди: «Бунақа бўлиши мумкин эмас, бу аҳволда мен бир ракат ҳам намоз ўқий олмайман. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: **“Бирор кимса билиб туриб хато намоз ўқиса, қиёмат куни Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлади”**».

*«Мўминнинг меърожи»
китобидан*



САВОЛ: Ҳозирги кунда кўп учрайдиган “кешбек”ни олиш дурустми?



ЖАВОБ: Сотувчининг: “Ким биздан битта кийим сотиб олса, яна битта қўшиб берамиз ёки тўловидан шунчасини қайтариб берамиз”, деб эълон қилиши ҳалол ҳисобланади. Шайх Муҳаммад Тақий Усманий “Фикҳул буюъ” китобида уни ҳада деган: “Айрим савдогарлар маълум миқдорда маҳсулотларини сотиб олган харидорларга мукофот, қайтим бериш одати жорий бўлган. Савдогарнинг ундай қилишидан мақсади одамлар унинг маҳсулотини кўпроқ сотиб олишлари учун қизиқтиришдир. Бу савдогар томонидан ваъда қилинган инъом, ҳада ҳисобланади”.

Ҳиндистоннинг “Дорул улум” фатво маркази: “Бирор нарсани онлайн сотиб олганда кешбек берилади. Бу жоизми?” деб сўраганларга: “Бу пуллар рағбатлантирувчи мукофот бўлиб, олиш жоиздир”, дея жавоб берган.

САВОЛ: Биз аёлларнинг пардоз ашёларини сотиш учун онлайн савдо ташкил қилганмиз. Онлайн буюртмалар қабул қиламиз ва етказиб берувчига мазкур харидорнинг манзили ҳамда қанча маҳсулот олишлари ҳақида хабар бериб турамиз.

“Кешбек” олиш дурустми?

Сўрамоқчи бўлганим: биз ҳеч қандай харажат қилмаймиз, маҳсулотга пул тикмаймиз, фақат телефон ёки телеграм орқали сотамиз. Шунинг ҳисобига фойда (ҳақ) оламиз. Шу ишимиз жоизми?

ЖАВОБ: Сизнинг ишингиз даллолликнинг бир туридир. Даллоллик учун ҳақ олиш шаръан ҳалол.

САВОЛ: Бугунги кунда Форекс орқали пул маблағларини айирбошлаш кенг тус олган. Шариатимизга кўра, бундай пул топиш мумкинми?

ЖАВОБ: Форекс (FOREX) инглизча “FOREIGN EXCHANGE MARKET”, яъни “Халқаро валюта айирбошлаш бозори” маъносини англатади. Форекс савдоси бу – бир вақтнинг ўзида бир пул бирлигини харид қилиш ва бошқа бир пул бирлигини сотиш амалиётидир.

Шариатимизга кўра, пулларни бир-бирига айирбошлаганда эвазларни савдо мажлисининг ўзида қўлга олиш шарт. Форексдаги савдо келишуви насия бўлганида бу шарт топилмайди. Демак, у ножоиз.

Форексдаги савдо келишуви нақд кўринишда бўлса, хорижий валюталарни айирбошлаш амалиётида пул бирлиги сотилгандан сўнг иккинчи пул бирлигининг келиб тушиши шу куннинг ўзида ниҳоясига етказилмайди. Шайх Муҳаммад Тақий Усманий: “Форекс савдо келишувида сотилаётган пулларнинг эвазини савдо мажлисида қўлга олиш шарт топилмагани учун рибо саналади”, деган.

Кўпинча Форекс амалиётида иштирок этувчилар ўзлари эга бўлмаган нарсани олди-сотди қилишади. Барча битимлар амалда эмас, фақат компьютердаги ёзувлар кўринишида амалга оширилади. Бундай битим иштирокчиларининг мақсади валюта олиш

ёки сотиш эмас, балки бирор-бир валюта-нинг муайян вақт оралиғидаги бошқа бир валютага нисбатан нархи ўзгаришида, яъни валюта курслари ўртасидаги тафовут устида пул ишлашга ҳаракат қилишдир. Шу жиҳатдан ҳам у қимор дея эътиборга олинади.

Форекс амалиётидаги шу ва бошқа Ислом шариати кўрсатмаларига зид бўлган омилларни ҳисобга олиб, Ислом уламолари Форексда савдо қилиш шаръан жоиз эмас, дея фатво чиқарган.

САВОЛ: Мен тиббиёт институтида таҳсил оламан ва бизда китоб етишмовчилиги муаммоси бор. Ҳозирда замонавий рус адабиётларидан фойдаланилади, аммо кутубхонада улар йўқ. Биз шуларни чиқариб фойдалансак, ҳалол бўладими?

ЖАВОБ: Агар муаллиф ўз асаридан барча йўллар билан фойдаланишга изн берган бўлса, сотиш мақсадида эмас, фақат ўқиш-ўрганиш ниятида принтердан нусха чиқариб фойдаланса бўлади.

САВОЛ: Насроний аёл Аллоҳнинг ягоналигига, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларига, Қуръонга, фаришталарга, охират кунига ишонса, мусулмон ҳисобланадими ёки албатта шаҳодат калимасини айтиши керакми?

ЖАВОБ: Биз унинг мусулмонлигини билишимиз ва унга Ислом ҳукмлари жорий бўлиши учун шаҳодат калимасини айтиши, яъни “Ашҳаду ан лаа илааҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадар росулуллоҳ” дейиши шарт. Тавфиқ Аллоҳдан.

САВОЛ: Намозда сажда қилишдаги жойга бирор нарса қўйса бўладими?

ЖАВОБ: Намозда хушуни кетказувчи ҳар қандай ишлар макруҳ ҳисобланади («*Мухтасарул виқоя*»). Демак, намоз ўқиётган киши бирор ашёси, телефони ёки бошқа нарсаси-



ни жойнамоз устига қўйганида сажда қилишига ҳалақит бермаслиги керак.

САВОЛ: Хуфтон намозини ўқиб бўлгач, фарзда ўқиган сурада маъно бузиладиган даражада хато қилибман. Фарзини қайта ўқиб олдим. Витрни ҳам такрор ўқишим керакми?

ЖАВОБ: Бундай ҳолатда Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ витрни қайта ўқимайди, деганлар.

САВОЛ: Саждаи саҳвда адашсам, намозим бузиладими?

ЖАВОБ: Саждаи саҳвда адашсангиз, намозингиз бузилмайди.

САВОЛ: Ранги ўзгарган ариқ суви нажосат ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Сувнинг ранги нажосат сабабидан ўзгарган бўлса, сув ҳам нажосат бўлади. Агар нажосат сабабидан эмас, балки тупроқ, барг ва шунга ўхшаш пок нарсалар сабабли ўзгарган бўлса, нажосат бўлмайди.

САВОЛ: Таҳажжуд намозини ухлаб туриб ўқиш шартми, яъни ухламаган бўлса ҳам, ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Бир ухлаб туриб ўқилса, суннатга мувофиқ бўлади. Лекин тунда уйғонишга кўзи етмаса, ухладан аввал ўқиши ҳам жоиз.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. (78) 150-33-44**



Бугун қизлар муаммоларининг аксарияти уларга эътибор бермайдиган оналар сабабдир. Ҳамма вақт ҳам шундай бўлган. Ёхуд тили, баъзан қўли билан қизини “жазолайдиган”, озор берадиган оналар фарзандини ўзидан узоқлаштиради.

Таассуфки, қиз бола уй-рўзғор юмушларини уддалашини муҳим деб билиб, унинг қарашларига бепарво бўлган ота-оналар оз эмас. Қиз боланинг илм олиши, ўй-фикрлари ўз ҳолига ташлаб қўйилмаяптими? Бу муаммоларга инсонларнинг дунёвий ишларга боғланиб қолаётгани сабаб бўлмаяптими? Оталарнинг қиз фарзандига муносабатидаги чегара, она ва қиз ўртасидаги яқинлик бугун бироз бошқача тус олган. Айрим оталарнинг қизлар тарбиясига аралашиб, унинг хулқидаги камчиликларга “жазо” бераётгани бор гап. Бунга оналар ҳам айбдор. Сабаби, қиз болани гул каби авайлаб ўсти-

риши, ўғил боладан фарқли равишда қиз фарзандни оиладаги эркаклар ҳурмат қилишига лойиқ қилиб тарбиялаши лозим. Масалан, Садриддин Айний ўғли ва қизи Москвада ўқиганида ўғлига оз, қизига кўп пул юборар экан. Бунинг сабабини сўрашганида бундай тушунтириб берибди: “Ўғил болани тўқчилик бузади, қиз болани йўқчилик...”

Аслида, оилада қиз фарзандга нафақат моддий жиҳатдан, маънавий томондан ҳам эътибор муҳим. Ота-онанинг ўғил наслининг давомчиси, дея қиз фарзандига эътиборсиз бўлиши унинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Атрофдагиларга нисбатан унда “совуқ” муносабатлар шаклланишига омил бўлади.

Шунингдек, ота-оналар қиз фарзанд учун улкан ажр-мукофотлар борлигини билиши ва уларнинг ҳаққи-га амал қилиши лозим. Жумладан, Абу Саид Худрий ро-

зияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимнинг уч қизи бўлса ёки уч синглиси бўлса ёхуд икки қизи ё икки синглиси бўлса, уларнинг суҳбатини яхши қилган ва уларнинг ҳаққида Аллоҳга тақво қилган бўлса, унга жаннат берилур”**, деганлар (Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривояти).

Ана шундай эъзозланиши, кадр-қиммати ҳимояланиши керак бўлган қизларга бугунги кунда эътибор қай даражада?! Оиласидан меҳр кўрган қиз ўзгалардан меҳр излайдими? Албатта, у ўз оиласига талпинади. Аксинча бўлса-чи?

У ҳолда ўзи каби “ғўр” тенгдошини сирдош билиб, хато қилиб қўйиши ёки яхши гапнинг гадоси бўлиб, нияти бузук бир кимсанинг чанга-лига тушиб қолиши мумкин. Айниқса, ўсмирлик даврида “йигит ва қиз” муносабатларида чегара бўлиши керак бўлган бир вазиятда, қиз-

ларнинг илм олиши муҳим бўлган вақтда уларнинг “ўз ҳолига ташлаб қўйилгани” қимматга тушади. Алданиб қолиш, қочиб кетиш, ўз жонига қасд қилиш масаласи ҳали-ҳануз қизларимиз орасида кузатилади. Бугун яхши қизларни келин қиламан, деб юрган оналар баъзи бир қизларнинг “тарбиясидан” ҳайратланмоқда. Биз бунда қизларнинг ўзини айболомаймиз. Негаки, кўп масала тарбия билан боғлиқ. Тарбия оилада ота-она ибратидан, қиз бола учун эса онадан андоза олинади. Демак, асл муаммони излашимиз, қизларимизда тарбияни ўқув курслари ёки ҳаётга тайёрлов дарсларидан олдин оилада, оналарда шакллантириш лозим.

Оиладаги яна бир муаммо – қиз фарзанд билан ўғил фарзандни ажратиш масаласи бор. Айниқса, оналар ўғлим мени боқади, сен эртага кетиб қоласан, дейишади. Афсуски, шундай оталар ҳам борки, ўғилларини эркалатиб, барча юмушларни қизларига қилдиради. Натижада ўғиллар эркатой бўлиб, талтайиб улғаяди. Уларда аёлларни ҳурмат қилиш хусусияти йўқолади, қиз эса ўғил болаларни ёмон кўриб қолади. Оиладаги ана шундай ажратишлар яқинларнинг бир-бирига ёв кўз билан қарашларига сабабчи бўлади.

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қи-

линган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ким бозордан фарзандларига ҳадя келтирса, у садақа қилган киши каби бўлади, ҳатто уни уларнинг оғзига солади. Тарқатишни қизлардан бошласин. Чунки Аллоҳ таоло аёлларга юмшоқлик қилди. Ким аёлларга юмшоқлик қилса, Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган киши каbidир. Ким Аллоҳдан қўрқиб йиғласа, уни Аллоҳ кечиради. Ким қизлари билан хурсанд бўлса, Аллоҳ қиёмат кунини уни хурсанд қилади”** (Абу Лайс Самарқандий, “Танбеҳул ғофилийн”). Минг афсус, бугун бунга амал қилмаётганлар оз эмас.

Хуллас, барча оналаримиздан қиз фарзанди билан гўдаклигидаёқ суҳбатлашишни, уларни тинглашни, тушунишни, қалбига қулоқ солиб, ҳалимлик билан гаплашишни сўраган бўлар эдик. Қиз боланинг баъзи инжиқликлари ёки хулқидаги муаммоларга маърифат билан ёндашиш, керак бўлса, ушбу масалада ўзидан илмли инсонлардан маслаҳат сўраш жоиз.

Аллоҳ томондан қиз фарзанд туфайли бериладиган мукофотларнинг кўплиги уларга қилинган зулмининг ҳам жазоси қаттиқлигини билдиради. Шундай экан, тарбияда адашмайлик!

К. АБДУМАЛИК қизи

Алҳамдулиллаҳ!

*Танимга руҳ ила жон,
қалбимга нури иймон,
Тилимга зикри Қуръон
бердинг, алҳамдулиллаҳ!*

*Кўзимга сўнмас нурни,
қалбимга қувонч-сурурни,
Тилга ҳар тонг шукрни
бердинг, алҳамдулиллаҳ!*

*Хокдин яратиб инсон,
“банда” деб қўйдинг Сен ном,
Шаҳодатдин қўлга жом
бердинг, алҳамдулиллаҳ!*

*Синовинг бўлиб қаттиқ,
бўлганда дардим ортиқ,
Сабрни этиб тортиқ,
бердинг, алҳамдулиллаҳ!*

*Зикрда қилиб забоним,
жон топширарда жоним,
Олсанг сақлаб иймоним,
дейман “Алҳамдулиллаҳ!”*

*Ғафлатда қолдирмасанг,
азобда ўлдирмасанг,
Забоним тойдирмасанг,
дейман “Алҳамдулиллаҳ!”*

*Дунёдан кетар бўлсам,
Маҳшарга етар бўлсам,
Бир қараб бандам, десанг,
дейман “Алҳамдулиллаҳ!”*

*Умиднинг йўқ поёни,
бўлса жаннат ошёним,
Тиндирмайин забоним,
дейман “Алҳамдулиллаҳ!”*

Назокат ЖАББОРОВА,
Бойсун тумани
Пойгабоши
маҳалласи отинойиси

Ғам-андухни кетказишнинг

27 йўли

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Ўн еттинчи йўл:

“Аллоҳу Аллоҳу Роббий лаа ушрику биҳи шайъан”. Ва қовлуҳу: “Лаа шарика лаҳу”.

Маъноси: “Аллоҳ, Аллоҳ – Раббим. Мен Унга бирор нарсани шерик қилмайман. Унинг шериги йўқдир”.

Асмо бинти Умайс розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга бундай дедилар: “Қийинчиликда айтиладиган калималарни сенга ўргатайми? Аллоҳ, Аллоҳ – Раббим, Мен Унга бирор нарсани шерик қилмайман”» (Имом Абу Довуд ривояти).

Асмо бинти Умайс розияллоҳу анҳо яна бундай ривоят қилади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини мана шу икки қулоғим билан эшитдим. У зот алайҳиссалом дедилар: “Қай бирингизга ғам-ташвиш, бетоблик ёки қийинчилик етса, “Аллоҳ, Аллоҳ – Раббим, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайман”, деса, мусибати кўтарилди» (Имом Табароний ривояти).

Ўн саккизинчи йўл:

“Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Аллоҳумма ажирни фий мусийбати вахлиф лий хойрон минҳа”.

Маъноси: «“Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз” (Бақара сураси, 156-оят). Ё Аллоҳ ушбу мусибатимда менга ажр-савоб бер. Унинг ўрнига менга ундан яхшисини ато қил».

Умму Салама розияллоҳу анҳо ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганларини эшитдим: “Қай бир мусулмонга бирор мусибат етса, Аллоҳ унга буюрган нарсани, яъни: “Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз” (Бақара сураси, 156-оят). Ё Аллоҳ, ушбу мусибатимда менга ажр-савоб бер. Унинг ўрнига менга ундан яхшисини ато қил”, деса, Аллоҳ ундан кўра яхшисини беради”». Айтади: “Абу Салама вафот этганида На-

бий алайҳиссалом айтганларини қилдим. Аллоҳ таоло ундан (Абу Саламадан) кўра яхшисини – Расулуллоҳ алайҳиссаломни берди” (Имом Муслим ривояти).

Ўн тўққизинчи йўл:

“Я Ҳайю я Қойюм, бироҳматика астағийсу”.

Маъноси: “Эй Тирик, эй Барҳаёт Зот! Раҳматинг ила ёрдам сўрайман”.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бирор иш хафа қилса: “Эй Тирик, эй Барҳаёт Зот! Раҳматинг ила ёрдам сўрайман”, дердилар» (Имом Термизий ривояти).

Йигирманчи йўл:

“Аллоҳумма лаа саҳла илла ма жағалтаҳу саҳлан. Ва анта тажғалул ҳузна иза шиғта саҳлан”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, фақат Сен қилган энгилликдан ўзга энгиллик йўқ. Агар Сен истасанг, қийинчиликни энгил қилиб қўясан”.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Ё Аллоҳ, фақат Сен қилган энгилликдан ўзга энгиллик йўқ. Агар Сен истасанг, қийинчиликни энгил қилиб қўясан”» (Имом Ибн Ҳиббон ривояти).

Юлдуз КОМИЛОВА
таржимаси

Шайх Али ТАНТОВИЙ

ЭЙ ҚИЗИМ!



даги қўшиқ ва сериалларга қизиқманг.

Ҳаммасини шайтон кўзга чиройли кўрсатиб, гуноҳ бўладиган ҳис-туйғуларга бошлайди. Билиб қўйинг, номаҳрам эркакни кўр-кўрона севиб қолиш шайтондандир. Раҳмоний севги фақатгина никоҳ орқали пайдо бўлади. Покиза қалбли эр-хотин тасодифий учрашишмаган, балки уларни пок ниятлари жамлаган.

Шайх Мутавалли Шаъровий айтганидек: “Агар икки киши орасидаги гўзал алоқани кўрсанг, уларнинг учинчиси Аллоҳ эканини билиб олавер”.

Эй қизим? Ёшим ўттизга бориб қолди.

Ўртача умрнинг ярмини босиб ўтиб бўлдим. Ҳар хил одамларни кўрдим, шайтоннинг турли ҳийлаларига йўлиқдим. Одамларнинг феъл-атворларига сабр билан муомала қилиш кераклигини, шайтон эса то ўлгунимизча адаштириш учун ҳар томондан найранг уюштиришда тинмасдан тер тўкишини англадим. У инсоннинг ёшига, жинсига, иқтисодий ҳолатига, илмига ва бошқа сифатларига қараб ҳийла уюштиришдан тўхтамайди. Аввало, шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўранг, ҳидоят тилаб дуо қилинг. Ҳар бир ҳолингизда шайтон ҳийласидан ҳушёр бўлинг. Номаҳрам эркак сизга мулойим гапираётган бўлса, аниқки, бу шайтоннинг ҳийласидир. Номаҳрам йигит ва қиз-

нинг ҳар қандай ҳолатда бўлса ҳам, гаплашиши шайтоннинг фитнасидир.

Мен бу гапим билан йигит ва қиз суҳбатни ёмон ниятда бошлашади, демоқчи эмасман. Бироқ улар шайтонга, ҳийла қилиш учун энг қулай вазиятни туҳфа қилишган бўлади. Суҳбат давомида аста-секин уларнинг аввало қалбларини васвасага солади. Бу васваса бироздан кейин сўзларга ўтиб, уларга табассум аралашади. Сўзларнинг маъноси ўзгара бошлайди. Кундан-кунга улар заруратсиз ҳам гаплашадиган бўлиб қолишади. Шайтон уларга чиройли қилиб кўрсатадиган қалбдаги бир ҳузурни туйишади ва буни меҳр қўйиш, дўстлик ва охир-оқибат севги деб тушунишади. Бундай қалбдан Аллоҳнинг муҳаббати чиқиб кетади.

Эй қизим! Сиз бу ҳийлаларнинг биринчисидаяқ уларнинг томирини кесинг. Бундай нарсаларнинг қалбингиздан жой олишига асло йўл қўйманг. Ҳозирги кунда таржима қилинаётган сериаллар ва “ижод” қилинаётган кўп қўшиқлар инсонни ўша васвасаларга тарғиб қилаётгани учун мен сизни улардан қайтараман.

(Давоми бор.)

Таржимонлар:
**Иймон Али КИТОБ АЛИЕВ,
Сайдуллоҳ АҲМЕДОВ**

(Давоми.

Бошланиши ўтган сонда.)

Эй қизим! Ҳозирги пайтда аёллар мубтало бўлиб қолган оғир дардлардан яна бири сериал кўриш, яна бири севги ҳақида қўшиқлар тинглаш: иккаласида ҳам диёнат учун катта зарар бор. Чет эл сериаллари одамларимизнинг тарбиясини, тушунчасини, ҳатто эътиқодини бузмоқда. Севги учун ота-онага қарши чиқиш, эрига хиёнат қилиш, никоҳсиз ҳар хил номаъқул ишларни қилиш ижобий қаҳрамонлар томонидан амалга оширилади. Аёллар эса гоҳида намозини ҳам унутиб, ўша сериалларга маҳлиё бўлишмоқда. Бундай оилаларда вояга етаётган аксари қизлар эса, минг афсуски, мактаб ёшидан бошлабоқ шайтоннинг нағмаларини тинглашга ружу қўйишган. Пок севги никоҳи остида уятсиз нарсаларни тарғиб қилувчи куй-қўшиқлар ёшларнинг онгу шуурини эгалламоқда. Эй қизим! Сиз булардан йироқ бўлинг. Севги ҳақи-

Ўқимишга оналар - тараққиётимиз тамали

Севиқли Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоху алайҳи ва салламнинг оналарининг қабрига бориб, ҳаққи-га йиғлаб дуолар қилганлари, сутонаси Ҳалимаи Саъдияни ўз онасидек яхши кўриб, келганида муборак тўнларини тўшаганлари, аёллари – муҳта-рама оналаримизга нақадар меҳрибонликлар кўрсатганлари, қизларини қанчалар севиб, ардоқлаб, ҳатто Фоти-ма онамиз ҳақида: **“Фотима-нинг севинчи – менинг севин-чим; унинг нафрати – менинг нафратим. Ким Фотимани яхши кўрса, мени яхши кўрибди. Ким уни севинтирса, ме-ни хурсанд қилибди. Ким уни ранжитса, мени ранжитибди”** ва **“Фотима – менинг жо-нимнинг бир парчаси. Ким ун-га озор берса, менга озор бе-рибди, ким менга озор берса, Аллоҳга қарши борибди”**, де-ганлари (Имом Ҳоким ривояти) бутун инсониятга ўрнақдир.

Ҳазрат Али розияллоху анҳунинг “Шамчироқни ўчи-ринглар, Фотиманинг сояси-га бегоналарнинг кўзи тушма-син”, дея жуфти ҳалолини эҳти-ётлаши асрлар оша инсониятга сабоқ бўлиб келмоқда.

Миллатимиз ҳар доим аёл-ни Аллоҳнинг амри ва Пайғам-бар алайҳиссаломнинг суннат-ларига мувофиқ эъзозлаб кел-ган. Аммо собиқ шўро замо-нида аёлларга эркинлик ваъ-да қилиниб, аслида улар энг оғир ишларга жалб қилинган эди. Истиқлол йилларида ҳам шу ҳол давом этди. Аёллар иш

қидириб хорижга чиқиб кета бошлади.

Бечора аёл муҳтожлик са-бабли фарзандларидан йи-роққа кўзда ёш билан кетади. Нотаниш ўлкаларда Аллоҳдан мадад сўраб ўзининг номуси-ни ҳимоя қилади, иш қидира-ди, оғир шароитларда меҳнат қилади...



«Мусофир юртда, турли қийинчилик ва машаққатларга чидаб, ҳалол меҳнат қилиб, нон топиш осон эмас. Хорижда бун-дай шароитда яшаб келаётган одамларимизни ҳақиқий қахра-мон, десак, тўғри бўлади. Чет эл-ларда тажриба ва малака ортти-раётган ана шундай ватандош-ларимизга раҳмат айтишимиз керак», деган эди давлатимиз раҳбари қашқадарёлик юртдош-ларимиз билан учрашувда.

Дарҳақиқат, муҳтожлик жонидан ўтмаса, ҳеч қайси аёл хорижга ишлагани кетмайди. Муҳтожликдан қутулиш учун эса аёлларга муносиб иш ўрин-лари яратиш керак. Аёлнинг

ишлаш учун бошқа давлатга кетгани бизнинг бу ерда ша-роит қилиб бермаганимиздан», деган эди бош вазимиз Аб-дулла Орипов.

Бош вазир хорижга ишла-гани кетган аёллар ортидан га-пириладиган миш-мишлардан бири уларни дангасаликда айб-лаш эканига ҳам тўхталиб, бу-нинг мутлақо бўлмағур гап эка-нини айтганди. Илло, дангаса аёл хорижга ишлагани кетди дейишнинг ўзи кулгили ва ҳа-ётдан йироқ одамнинг ҳавойи гапидан ўзга нарса эмас.

Қайси миллат ривожла-нишнинг энг юксак поғонала-рини забт этган бўлса – онага хурмати туфайли, оналарнинг дуоларини олгани шарофати ила шунга эришган. Японлар “Бизга ўқимишли оналарни беринг, биз сизга мамлакатни юксалтириб берамиз!” шиори-ни дастуриламал қилгани бо-ис юксак тараққиётга эришди. Сингапурда олий маълумотли қизга уйланган йигитга давлат катта мукофот беради. Мамла-катимизда олиб борилаётган ислохотларда ҳам аёлнинг жа-миятда тутган ўрнига алоҳи-да эътибор қаратилмоқда. Ҳу-куматимиз аёлларга янги иш ўринлари ташкил этиш, вояга етиб келаётган қизларимиз-нинг сифатли таълим олишлар-и учун яхши шароитлар яра-тилмоқда. Зеро, аёллар масала-ларига оид муаммони ҳал этиш бутун жамиятнинг келажак ав-лодлар олдидаги бурчидир.

Махсума ҒАНИХОНОВА,
Паркент тумани бош отинойиси

Мўмин-мусулмон киши ирим-сирим, сеҳр-жодуга ишонмайди. Мўмин одам учун тақдир Аллоҳ таолодан бўлади, бахт ёки бахтсизлик ҳам Унинг иродасига боғлиқ. Зеро, инсон ҳамма нарсани яхшиликка йўйиши, яхши ниёт қилиши, бирон нохушлик рўй берса, дарров ваҳимали гапларни гапирмасдан “Бунинг ҳам бир ҳикмати бор”, “Охири бахайр бўлсин!” деган умидбахш сўзлар айтиб, ўзига таскин бериши лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Касаллик**

уни олиб ташлади ва бундай қилишдан қаттиқ қайтарди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ирим-сиримларни ёқтирмасликларини айтди”.

Биз қилаётган иримлар ўзимизнинг ёки яқинларимизнинг саломатлигига зарар келтиради. Масалан, бир танишим ирим сабаб фарзанди озорланганини бундай ҳикоя қилади: “Қизимни шифохонага оғир аҳволда олиб бордим. Бир неча кун аввал қизим “тепки” бўлганини билдим. Лекин қайнонам ҳам, онам ҳам уни шифокорларга олиб бо-

ши, антибиотиклар қабул қилиши ва парҳез тутиши, ётоқхона шароитида даволаниши лозим. Вақтида касалликнинг олди олинмай, қонга инфекция ўтиб кетса, иммунитет заифлашиб, касалликка чалинувчан бўлиб қолиши мумкин. Энг ёмони эса, эркакларда бепуштликка сабаб бўлади. Масалан, беморларимдан бири иримга ишонгани оқибатида болалигида “тепки”ни даволатмай ўтказган экан, натижада инфекция қонга ўтиб, бепуштликка сабаб бўлган. Вақтида олди олинган касал-

Тептириш бепуштликка, ҳасип рахитга шифо бўлармиди?..

юқиши йўқ, бойқуш йўқ, навъу (“навъу” – жоҳилият аҳли “ёмғир ёғдиради” деб эътиқод қиладиган юлдуз) **йўқ ва сафар** (сафар ойида сафар қилиш) **йўқ”,** деганлар (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг “Ал-адаб ал-муфрад” асарида бир воқеа келтирилган: “Бола туғилганида унга барака сўраб дуо қилиши учун одамлар чақалоқларни Ойша онамизнинг олдига олиб келишарди. Бир чақалоқ келтирилди, уни тўшагидан олаётувди, ёстиғи остига устара қўйилган экан. Ойша онамиз устаранинг нимага қўйилганини сўради, болани жинлардан ҳимоя қилиш мақсадида қўйилганини айтишди. Шунда Ойша онамиз

риш шарт эмаслигини, эгизак туққан аёлга “тептириш”нинг ўзи кифоя эканини айтишди. Шундай қилиб, вақт ўтказдик. Аҳволи оғирлашгач, шифохонага олиб бордик”.

Биз ҳам болалагимизда тепкининг давоси билан боғлиқ иримни эшитган эдик. Бироқ ҳозир ҳам унга ишонадиганлар бор экан. Оилавий шифокор Ўғилой Исмоилова бу касаллик ҳақида бундай дейди:

– Тилимизда “тепки” деб аталадиган касаллик қулоқости безининг шамоллаши ҳисобланади. Унинг иримларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча, даволамаса, оғир асоратларни келтириб чиқарадиган, инсон саломатлигига жиддий зарар келтирадиган дард ҳисобланади. Бундай беморлар тиббий кўрикдан ўти-

ликнинг асоратсиз бўлиши кафолатланади. Иримлардан яна бири – боланинг бошида ҳасипсимон соч тўкилишини ирим қилиб, белгининг узунлигида ҳасип таомини тайёрлаб, қўшниларга чиқариш ҳисобланади. Аслида, бу рахит касаллигининг учинчи босқичида кузатиладиган клиник белгилардан биридир. Бу касалликни ҳам вақтида даволаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хотиржамлигимизга, фикримиз ва саломатлигимизга салбий таъсир қилаётган иримлар бамисоли тушовга ўхшайди, уларга бир бор ишониб, ўралиб қолсак, чалкашиб кетаверамиз. Шу сабаб асоссиз гаплардан узоқроқ юрган маъқул.

Майнахон УЗОҚОВА,
Данғара тумани бош отинойиси

Дуоси мустажоб

аёллар



Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида 35 нафар “олима, орифа, обида аёлнинг фазилатлари” ҳақида сўз борган.

Адабиётимизнинг неча юз йиллик намуналарига назар солсак, уларда аёллар ҳақида жуда кам маълумотлар берилганини кўрамиз. Яъни бу ҳолда ҳам бир ибрат, ёзилмаган қоида мавжудки, аёлларнинг фазилатлари ошкор қилинавермасдан уларнинг ибратли ҳаётлари, каромату хулқлари тўғрисида ёзиш, оммага эълон қилиш урф бўлмаган. Аммо Алишер Навоий ўзлари эътироф этганларидек:

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар оёгининг изи.*

Яъни ҳазрат “юз туман нопок эркаклардан кўра пок аёлларнинг (ҳатто) оёқ излари ҳам аълороқ” эканини эътироф этади. Бу билан асарларида куйлагани ширинлару меҳинбонулар, лайлилару уммулхайрлар рўйхатини давом эттиради, уларни аёл,

маҳбуба, она сифатидаги шарафларини янада улуғлайди.

Асарда номлари келган аёлларнинг кўпчилиги бизга номаълум, улар ҳаётидан берилган лавҳалар эса қисқа, лўнда, ибратли воқеалар сифатида эсда қоларли.

Йиғлай-йиғлай кўр бўлган аёл (Уфайраи обида розияллоху анҳо)

У ҳам Басра аҳлидандур ва Муъозаи Адавия билан суҳбатлашиб турар эди.

Тангри таолодан қўрқиб кўп йиғлаганидан охири кўзлари кўр бўлиб қолди.

Бир киши унга дедик:

– Кўрмаслик жуда катта балодур, жуда қаттиқ азобдур.

У дедик:

– Тангри таолодан айрилиқ ундан ҳам катта бало, ундан ҳам қаттиқ азобдур ва кўнгил кўрлиги – Ҳақ субҳонаху таолонинг амрларини адо этиш зарурлигини англамаслик ундан ҳам катта балодур¹.

“Онамнинг қадрини билдим”

(Умму Муҳаммад волидаи Шайх Абу Абдуллох Хафиф розияллоху анҳо)

Ўғли Абдуллох ибн Хафиф билан денгиз йўли орқали ҳажга борди.

Ва унда кашфу кароматлар кўп экан.

Дерларки: “Шайх Абу Абдуллох Рамазон шарифнинг сўнгги ўн кунлигида Лайлатул қадр (нури)ни кўришга мушарраф бўлишини Аллоҳдан тилаб, дуо қилар эди”.

Томга чиқиб, намоз ўқир эди.

Онаси Умму Муҳаммад уй ичида ўтирар эди.

Ногоҳ Лайлатул қадр нури пайдо бўла бошлади. Овоз келдики: “Эй Муҳаммад, эй фарзанд, сен истаган нарса бу ердадур”.

Шайх томдан тушиб уйга кирса, Лайла-

¹ Ўша асар. 6-саҳифа.

тул қадр нури онасининг оёғига тушубди.

Шундан сўнг Шайх айтар эдики: “Ўша воқеадан кейин онамининг қадрини билдим”².

* * *

“Дуоси мустажоб аёллар” китобида аёлларнинг кароматлари ҳақида ҳам ҳикоятлар берилган.

“Ажиб кашфу каромат” сарлавҳасида Физза исмли аёл тўғрисида сўз юритиб, “Унинг бир қўйи бор экан. Ўша қўйни соғанида ҳам сут, ҳам асал берар экан”, деб маълумот берилади. Ёки “Ўттиз йил таом емаган аёл” – Имраъатун Мисрия розияллоху анҳо тўғрисидаги нақлни келтириб, ўзидан олдин ҳам бу аёллар ҳақида кимлар маълумот берганини кўрсатади. Сўзнинг охирида “Яна Аллоҳ билгувчидир” жумласини келтириш орқали китобхоннинг ўз ихтиёрига қўяди. Ўзи айтган сўзга ишонишга мажбур қилмайди. Дарҳақиқат, бадиий адабиётда воқеалар тасвири мўъжизаю кароматлар, муболағалар билан ёнма-ён келади.

Бу ҳолда ҳодисани қай тариқа қабул қилиш китобхонга ҳавола қилинади.

Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида тилга олган буюк инсонлар, шу жумладан, “дуоси мустажоб аёллар”нинг ҳаёти, ишлари миллатимиз аёлларига бир мактаб бўла олади десак, муболаға бўлмас.

Шоядки, Навоийни ўқиб-ўрганиш орқали безовта қалбларимиз бироз бўлса-да, ором олса, сокин ура бошласа... Ибодат ва илмдан узоқлашиб бораётган “оломон” Навоийни ўқиб, маърифат олами сари юзланса...

Дилором КАРИМОВА,
филология фанлари
номзоди, доцент

У Зотга суюкли экансиз...

Хатиб Бағдодий раҳимахуллоҳ “Тарихи Бағдод” китобида келтиради:

«Басранинг қозиси Убайдуллоҳ ибн Ҳасан айтади: “Менинг бир жориям бор эди. Бир кеча у саждада дуо қилаётиб, деди:

– Эй Раббим! Менга бўлган муҳаббатинг ҳаққи, мени мағфират қилгин!

Мен дедим:

– Ундай дема! “Сенга бўлган муҳаббатим ҳаққи”, дегин!

Жориям деди:

– Эй Басранинг фақиҳи ва қозиси! У Зотнинг менга бўлган муҳаббати мени ширқдан халос қилди, Исломга олиб кирди. Унинг муҳаббати мени уйғотиб, сизни ухлатди!

Шунда мен дедим:

– Сен Аллоҳ учун озодсан!”»

Қачон ибодатга турсангиз, билинги, бу Аллоҳнинг фазлу карамидир. У сизга Ўз ҳузурида туришга изн берди.

“Сизга бўлган севгиси”... жумланинг гўзаллигига қаранг. Сизни деярли ҳеч ким танимади. Фақат оилангиз ва қўшнилариңгиз танишади, холос.

Аммо сизни Еру осмонлар Холиқи танийди. Қалбингизга боқиб, унда яхшилиқ кўради. Дилингидаги яширин ўринларнинг

бирида Ўзига нисбатан ишқни топади ва сизни севади. Аллоҳнинг муҳаббати доирасига кирганлар омонликдадир.

Бомдод намози азонини эшитсангиз, намоз ўқиш учун иссиқ ўрнингиздан қийналмай турасиз. Билинги, бу Аллоҳнинг сизга бўлган муҳаббатидир.

Миллионлаб инсонлар уйқуда, сиз эса У Зотга ибодат қилмоқдасиз. У Зот сизнинг сажда қилиб: “Субҳана роббиял аъла”, дейишингизга рози бўлди!

Рамазон келиб, рўзатута бошласангиз, Аллоҳ учун тарк қилинган барча нарсалар лазиз эканини кўрасиз. У Зотнинг ризосини истаб ичакларингизни бўшатдингиз, томоқларингиз қуришига рози бўлдингиз. Бу Унинг сизни яхши кўришига далилдир. Ер юзида миллионлаб инсонлар Рамазоннинг, рўзанинг нималигини билмайди.

Сиз эса Унга суюкли бўлишингиз учун кўплар орасидан танландингиз, жамоа ишидан ихтиёр қилдингиз!

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
“Ургут” жоме
масжиди ходими

² Ўша асар. 17–18-саҳифа.

Nabiy alayhissalomning jonivorlarga mehribonliklari

Kim azobga soldi?

Abdulloh ibn Mas'ud roziyallohu anhu safarda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam bilan birga edi. Payg'ambarimiz alayhissalom tahoratga ketganlarida sahobalar hummara (chumchuqqa o'xshaydigan qizil qush) ning polaponlarini olishdi. Hummara kelib chirqillay boshladi. Nabiy sollallohu alayhi va sallam kelib qoldilar va: **"Kim buni bolalari sabab azobga soldi?"** dedilar. Sahobalar polaponlarni joyiga qaytarishdi.



Yana bir safar Nabiy alayhissalom chumoli uyasiga o't yoqilganini ko'rganlarida: **"Kim bu ishni qildi?"** deb so'radilar. Sahobalar: "Biz", deb javob berishdi. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: **"O't bilan azob berishga o'tning Rabbisigina haqlidir"**, dedilar (*Imom Abu Dovud rivoyati*).

Bolalarim, qay biringiz qushlar yoki hayvonlarga mehr ko'rsatgansiz? Aytib berolasizmi?!

Eshakka zulm...

Bir kishining eshagi bor edi. Ulovining boshqalarnikidan ajralib turishini xohladi. O't yoqib, temir bo'lagini qizdirdi. Keyin eshagining peshonasiga bosdi. Jonivor og'riqning zo'ridan tepindi va qattiq hangradi.

Bu haqda fikringiz qanday?

Bu o'ta shafqatsizlik! Shunday emasmi?!

Payg'ambarimiz alayhissalom og'riqqa chidolmay, peshonasidan qoni oqib, chopib borayotgan eshakni ko'rib: **"Uni kuydirib tamg'a bosganni Alloh la'natlasin"**, dedilar (*Imom Muslim rivoyati*).

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam hayvonning peshonasiga tamg'a bosishdan qaytarganlar. Kim bu ishni qilsa, qalbida mehr yo'q, Alloh uni la'natlaydi.



Minnatchi bo'lma!

Dilbandlarim, sizlar olijanobsiz! Do'stlaringiz, mehmonlaringizga o'yinchoqlaringizni o'ynashlariga ruxsat berasiz. Birodarlaringizga hadyalar ulashasiz.

Qo'lingizdagi ne'matlardan muhtojlarga berasiz va buning uchun katta ajr olishingizni bilasiz. Biroq ba'zi insonlar borki, xato ishlar qilib yuradi va Alloh ulardan qattiq g'azablanadi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ularning ishlarini **"minnat qilmoq"** deb ta'riflaganlar.

Minnat nima o'zi?

Do'stingizga sovg'a berib, har safar ko'rishganda: "Bu aslida meniki edi, uni senga berganman", deya do'stini izza qilish minnatdir.

Nabiy alayhissalom bundan qaytarganlar. Chunki minnatchidan g'azablanadilar, u bilan do'st bo'lishni istamaydilar. Undan hech narsa olmaydilar, hadyalarini qabul qilmaydilar. **"Uch kishi borki, Alloh qiyomat kuni ularga so'zlamaydi, nazar solmaydi, gunohlaridan poklamaydi va ular uchun o'sha kunda alamli azob bor"**, dedilar. Hadis roviysi aytadi: "U zot bu so'zni ush marotaba takrorladilar".

Nabiy alayhissalom yana: **"Xatolikka yo'l qo'yibdilar va halok bo'libdilar"**, dedilar. "Yo Allohning Rasuli, kim ular?" deb so'rashdi. **"Kibr bilan izorini yerga sudrab yuruvchi, minnat qiluvchi va yolg'on qasam ichish bilan savdo-sotiq qiladigan munofiq"**, dedilar u zot (*Imom Muslim rivoyati*).

"Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?" kitobidan

Yulduz KOMILOVA tarjimasini



Она ўз фарзандини

сота...



“Фарзандини сотаётган она қўлга олинди” мазмундаги хабарларни ўқийвериш, кўпчиликнинг дийдаси қотиб қолди-ёв. Узоқда эмас, қўшни шаҳарда, туманда вужудининг бир парчасидан дунёга келган гўдагини пуллаш, тиркичилик манбаига айлантириш – этни жунжиктириб юборадиган мудҳиш жиноят. Ҳатто энг йиртқич ҳайвонлар ҳам боласини асраб-авайлаб ўстириш учун курашади.

– Фарзанд – Аллоҳнинг неъматиди, – дейди Бектемир тумани отинойиси Муқаддам Абдиева. – Уни қадрламаслик Раббимизнинг қаҳрини келтиради. Ниманики хор қилсанг, шунга зор бўласан, дейдилар. Кун келиб тирноққа зор бўлиб, афсус қилишдан Эгамнинг Ўзи асрасин! Боласини сотаётган аёл нафақат жигаргўшасини, балки унга қўшиб ҳамма нарчасини пуллаётганини, шу дамдан бошлаб кўкрагида пайдо бўлган бўшлиқни ҳеч қачон ҳеч нарса билан тўлдиролмаслигини билармикин?

Албатта, маҳаллаларда олиб борилаётган суҳбат-

лар жараёнида оила муқаддаслиги, арзимаган можароларни ажрашишларга сабаб қилмасликларини кўп уқтираемиз. Аслида, фарзандини сотаётган ўша оналарнинг бу хатти-ҳаракатларига ҳам қандайдир сабаблари бўлади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандини сотишни кечириб бўлмайди.

Аллоҳ таоло бандаларини огоҳлантириб: **“Осмонлару Ернинг мулки Аллоҳникидир. (У Зот) хоҳлаган нарчасини яратур. (У Зот) хоҳлаган кишига қизлар ҳадя этур ва хоҳлаган кишига ўғиллар ҳадя этур. Ёки уларни жуфтлаб – ўғилқиз қилиб берур ва хоҳлаган кишисини туғмас қилур. Албатта, у Алийм ва Қодийрдир”** (Шўро сураси, 45–50-оятлар), деган.

Демак, Аллоҳ берган нарсадан юз буриш кўрнамакликдир ва бунинг оқибатида у неъмат асло қайтиб келмайди.

Бундан ўн йил аввал гумонасини олдириб ташлаган бир маҳалладошимиз бугун фарзандга зор. Энди она-

лик бахтини қўмсапти. Ўз зурриёди бўлишини, қўлларида етаклаб боғчага, мактабга олиб боришни, унинг “Онажон!” деган сўзларини эшитишни хоҳляпти. Айни дамда бу бахт учун дунёларни беришга тайёр, аммо энди кеч. Умрининг охиригача кунларини ҳасрат билан ўтказишга мажбур...

Хувайдо
ХЎЖАМҚУЛОВА,
журналист

Ёмон хулқлар ва касалликлардан сақланиш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُكَ مِنْ مَنكَرَاتِ الْأَخْلَاقِ
وَالْأَعْمَالِ وَالْأَهْوَاءِ وَالْأَدْوَاءِ.

Ўқилиши: «Аллоҳумма инний аъзузу бика мин мункаротил ахлақи вал аъмали вал аҳваии вал адва».

Маъноси: «Ё Аллоҳ! Хулқларнинг ёмони, амалларнинг ёмони, ҳавойи нафсининг ёмони ва касалликларнинг ёмонидан паноҳ беришингни сўрайман».

Ойи хислат - Жаннатга кафолат

(Давоми. Бошланиши 7-сонда.)

Убода ибн Сомит розияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай дедилар: **“Олти нарсага кафил бўлсангиз, мен сизга жаннатга кафил бўламан: сўзлаганда рост сўзланг, ваъда берсангиз, бажаринг, омонатни адо этинг, фаржингизни сақланг, кўзингизни қуйи солинг ва қўлингизни тийинг”**» (Имом Аҳмад ривояти).

Динимиз ваъдага вафо қилишни буюради. Мусулмон ваъда бердими, устидан чиқиши вожиб. Ваъда фақат яхшилик ва ҳақ ишларда бўлиши лозим. Чунки гуноҳ ишларга ваъда берилмайди.

Шариат таклифидан яна бири омонатни адо этишдир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй иймон келтирганлар, билиб туриб, Аллоҳга, Пайғамбарга ва омонатларингизга хиёнат қилманг”** (Анфол сураси, 27-оят).

«Бир аъробий Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан: “Қиёмат қачон қоим бўлади?” деб сўради. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Омонатлар зое бўлганда қиёматни кутавер”**, дедилар. Аъробий: “Унинг зое бўлиши қандай бўлади?” деб сўради. Набий алайҳиссалом: **“Иш ўзига муносиб бўлмаган кишига юклатилса, қиёмат-**

ни кутавер”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Киши зиммасидаги вожиб амалларни бенуқсон бажариши, одамларнинг ҳақларига рия этиши ҳам омонатдир. Ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларига эътиборсизлик хиёнатдир.

Ўзгалар сирини сақлаш ҳам омонатдорликдан. Расулulloх алайҳиссалом айтганлар: **“Агар киши бирор гап айтса ва у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, билгинки, у (гапи) омонатдир”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Мушриклар Набий алайҳиссаломни Маккани ташлаб чиқишларига мажбур қилишган бўлсалар-да, у зот алайҳиссалом ўзларидаги уларнинг омонатларини қайтаришни Али розияллоху анхуга топширганлар.

Аллоҳ таоло амр қилади: **“Никоҳ (имкони)ни топа олмаганлар, то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунича иффатларини сақласинлар...”** (Нур сураси, 33-оят). Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким иффатли бўлишга ҳаракат қилса, Аллоҳ уни иффатли қилади”** (Имом Абу Довуд ривояти), деганлар.

Мўмин шаҳватини жиловлаб олиши лозим. Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қилганлар: **“Ким менга икки жағи ва икки оёғи орасидаги нарсага кафил бўлса, мен унга жан-**

натга кафил бўламан” (Имом Бухорий ривояти).

Фаржни сақлашдан авратни очмаслик ҳам тушунилади.

Кўзни тийишда ҳикмат кўп. Кўзни тийиш фитна пардаларидан бирини беркитади, ҳаромга тўсиқ бўлади.

Қараш – зинонинг элчиси, фаҳшнинг сабабчиси. Расулulloх алайҳиссалом: **“Икки кўзнинг зиноси назардир”**, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Сен мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покликдир. Албатта, Аллоҳ нима қилаётганларидан хабардордир. Сен мўминаларга айт: “Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар ва зийнатларини кўрсатмасинлар, магар зоҳир бўлган зийнатлар бўлса (майли)...”**» (Нур сураси, 30–31-оятлар).

Қўлни тийиш – бошқа бир кишига ноҳақ озор беришдан, молини ўғирлаш ёки тортиб олишдан тийилишдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **«“Мусулмон – мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган одамдир”** (Имом Бухорий ривояти), деганлар.

Муниба ҲАЙДАРОВА
тайёрлади.



Гузайя

Содиқ дўстлар орасида бири бор эдики, Хадича она-мизни таъсирлантирган бу аёлнинг исми Гузайя, ўзи кўзга ташланмас қаҳрамон эди. Биринчилардан бўлиб иймон келтирган, бозорларда зобиталик қилган бу аёл ваҳий борасида ўзига бир вазифа белгилаб олган, даъватни яширин қилар, турли баҳоналар ила Қурайш аёллари орасига кириб, диндан сўз очарди. Буни билиб қолган бутпарастлар Гузайяни Маккадан ташқарига сургун қилишди.

Хабарларга кўра, тош ва қумлари учқун сачратиб ётган жарима саҳрога имони мустаҳкам бу хотинни ёпинчиқсиз туянинг устига боғлаб миндирган ҳолда ҳайдаб, анча йўлгача қамчилаб боришганди. Хадича унинг бошига тушган офатни эшитиб, куйиб-ёнди, аммо ҳеч нарса қилолмади. Ёш аёл эса шунча азоб ичра тилидан такбир тушмай, иймонига заррача путур етказмай кетган, унинг бу ҳолини кўрган таъқибчилар аёлни ош, сувсиз ҳолда қуёш тифида қолдириб, ўзлари сояларга чекинишарди.

Уч кеча-кундуз шу зайл қолса-да, такбир айтиб ётиши карвондагиларни ҳайратга солди. Учинчи куннинг тунида унга Раббидан мадад етиб келди. Юзи сом шамолида куйган, кўзи кўр бўлиб қолган, оч, ташна, чалажон ётган Гузайя юзларида салқинликни ҳис этди. Қўлини юзига олиб бораркан, раҳмат ёмғири ёға бошлади. Ширин сувдан қониб ичди, вужуди жонланди, оғриқлари тинди. Тонгга қадар “Лаа илаҳа иллаллоҳ” каломини айтиб чиқди. У қайта жонланар экан, раҳматнинг гўзаллигини кўрганди.

Уни ўлиб қолди деб ўйлаган карвондагилар тонгнинг илк нурлари билан бирга гўзал зикр овозини эшитиб уйғонди. Шошиб овоз келган томонга борганларида Гузайянинг ҳануз тириклиги, боғлиқ ётган жойидан уларга кулиб қараганини кўриб, донг қотиб қолишди. Гузайя ниҳоятда соғлом ва бахтиёр кўринарди. Бунинг сирини сўрадилар. Аёл уларга бошидан ўтган ҳодисани сўзлаб берди. Шу чоққача унга зулм қилиб келганлар тиз чўкиб узр сўрашди. Давс қабиласига мансуб бу одамлар сувсизлик ва азоблардан деярли ўлган бу аёл тунда унинг учун алоҳида ёққан раҳмат ёмғири туфайли тонггача соғлом ва нурли ҳолга кирганини кўриб, ҳикояни тинглаб, иймон келтиришди.

Нурдан ДАМЛАнинг

“Ҳазрати Хадича розияллоҳу анҳо” китобидан

Лайлини ранжитасан

Бир куни Мажнун касал бўлиб ётиб қолди. Даволаш учун табиб чақирилди.

Табиб: “Томирдан қон олиш керак”, деб Мажнуннинг қўлини боғлатди. Қон олиш пайти Мажнун: “Эй табиб, қўй, хизмат ҳаққини ол ва қўлимни еч, шу касалликдан, майли, ўлай, қон олишдан воз кеч”, деб додлади.

Табиб Мажнундан: “Сен чўлларда наъра тортган арслондан қўрқмайсан-у, қўлингдан қон олдиришдан қўрқасанми?” дея сўради.

Мажнун бундай жавоб берди: “Мен игнадан қўрқмайман. Менинг вужудим, борлиғим Лайли билан тўладир, қон олиш пайти Лайлини ранжитасан, мен шундан қўрқаман”.

Яна бир кун Мажнунга яқинлари: “Лайли деб ёниб-куясан. У қиз асло сен айтгандек гўзал эмас-ку”, дедилар.

Мажнун жавоб берди: “Сиз Лайлини менинг кўзим билан кўринг, менинг қалбим билан севинг! Мен унинг сурат жомидан абадий ишқнинг шаробини ичдим, у шароб сизга сирқадир”.

Жалолiddин Румийнинг
“Маснавийи маънавий”
асаридан.



Телефонда кислород борми?

Ёхуд ёшларимизда кўпайган камчилик



Ҳар куни эрталаб ўқишга отланаман. Турли сабаблар билан кўчага чиққан ва шошилаётган одамлар билан бирга мен ҳам ҳаракатларимга тезлик тусини берман. Табиийки, автобуслар тиқилинч, метролар гавжум. Бундай пайтларда мени кўпроқ ёшларнинг ҳолати ажаблантиради.

Сония сайин тараққий этаётган техника асрида яшайпмиз. Дунёнинг нариги чеккасидаги бир юртдошимиз ёки қариндошимиз билан худди ёнимизда турган одамдек мулоқот қила олиш имкониятини ҳам шу аср бизга “ҳадя” қилди. Вазият шу ҳолга келдики, инсон кундалик турмушини уяли алоқа воситалари ва Интернет тармоқларисиз тасаввур эта олмай қолди. Бу

қувонарли ҳол, албатта. Замон билан ҳамнафас яшаб, унинг барча қулайликларидан мақсадли фойдаланиб, кундан-кунга муваффақиятлар чўққисини забт этаётган юртдошларимиз билан минг карра фахрлансак, арзийди. Бироқ ҳар баланднинг бир пасти бўлгани сингари бугун қалам юритмоқчи бўлган мавзум кишини бироз мушоҳадага чорлайди.

Қаерда бўлса ҳам, нуқул телефонида бўлмағур сайтлардаги роликлар, кишининг тасаввур оламини торайтирадиган ўйинлар, айтишга тил ҳам бормайдиган видеоларни кўриш билан машғул бўлган баъзи йигит-қизлардан кутилаётган вазибалар нима эди?!

Улуғларимиз келажак ёшларнинг қўлида, деб ёш

авлоддан умид қилиб турган паллада ёшлар қўлидаги бир парча матоҳга бунчалик қаттиқ боғланиб қолганини нима деб оқлаш мумкин?!

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Икки неъмат борки, одамларнинг кўплари уларни бой бериб қўядилар – (улар) саломатлик ва бўш вақтдир”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Телефонга боғланган одам ҳам вақтини, ҳам соғлигини кетказмаяптими?!

Ёшлигимда онам айтиб берган эртақлар ҳамон эсимда. Укамга айтган аллаларини ҳам эслайман. Ҳозирда ёш оналарнинг бола туғилганидан бошлаб она жўшиб, меҳр билан ижро этиши керак бўлган, орзумидларга тўла аллаларни, тарбиявий жиҳатларга бой ҳикояларни телефон орқали эшиттириши, онанинг бу уяли алоқа воситаларига худди “энага” каби қараши фарзандга нисбатан эътиборининг камайишига, вазиятга мос

ҳолда боланинг ҳам онаси билан бирга шу бир парча матоҳни танишига ва уяли алоқа воситаларининг номини айтиб “тил чиқариши” га сабаб бўлмасмикин?

Шундай ўй-хаёллар билан автобусда кетар эканман, атрофга назар соламан. Худди ҳамма бир механизм остига олингану, кучли бир қўл уларни бошқараётгандек.

Телефонига мук тушган ёшлардан фарқли ўлароқ, кўчадаги манзарани томоша қиламан: куёшнинг заррин нурлари, оҳиста шабада оғушида дарахтдан узилаётган чўғдек япроқлар, мактабга шошилаётган жажжи ўқувчиларнинг самимий чехралари... бари нақадар гўзал!

Қизиқ, кишига масрурлик бағишлайдиган шундай манзарани ёки танда сокинликни мавжлантирадиган куз фаслини ҳозир телефонидан бошқа ерга қарашни хаёлига ҳам келтирмайдиган ёшлар ҳам ҳис қилишяптимикин ёки бундай туйғулар ҳақида охирги марта мактаб адабиётларида ўқишганмикин? Кузатар эканман, беихтиёр иккинчи тахминим тўғри эканига ишона бошлайман. Назаримда, барчаси бўшлиққа тушиб қолгану, телефонлар эса кислород тўлдирилган баллон вазифасини бажараётгандек гўё.

Мумтоз шоирамиз Анбар отин:
*Муродингни ҳаётинг ичра ахтар,
Ки, мавҳум илм ичра бўлма ахгар¹, –*
деб ёзганидек, мавҳум илмларнинг мавҳумлигини англаб етиш ва мавҳум илмнинг ишида ахгар бўлмасликнинг вақти аллақачон келмадимикин?!

¹ахгар – лахча чўғ, олов

Гулбахор ФАРМОНОВА,
*Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети талабаси*

Бахтиёрман

Мусулмонлар чиройлидир тақво билан,
Умрим ўтсин Ҳаққа ҳамду сано билан,
Мингни бердинг, яна чиқдим даъво билан,
Менга дардли қалам бердинг – бахтиёрман!

“Ўксинганни Худо суймиш”, дейди онам,
“Ёмонларнинг ичи куймиш”, дейди онам.
Мен ношуднинг ғамини ҳам ейди онам,
Дейди: “Болам бахтли бўлса – бахтиёрман!”

Меҳрибонимсиз...

Сиз менинг ҳаммадан меҳрибонимсиз,
Мени чин қалбидан яхши кўргувчим.
Сиз юксак, бошимга тождир соянгиз,
Мен эса пойингиз узра юргувчи.

Дуолар – тақдирни ўзгартиргувчи,
Мен сизнинг Худодан сўровчингизман.
Сиз мени ҳаммадан яхши кўрсангиз,
“Бахт” деган бир “рўмол” ўровчингизман.

О, мусаффо осмон, басавлат тоғлар,
Юксалиб боряпман севганим сари...

Шоҳсанам ЭРМАНБЕТОВА,

Наманган вилояти

ИХЛОС СУРАСИНING ФАЗИЛАТИ

Янги туғилган чақалоқнинг қулоғига Ихлос сурасини ўқиш ҳам суннатдир. Баъзи олимлар бунинг хосияти ҳақида бундай дейдилар: “Туғилганида қулоғига Ихлос сураси ўқилган киши умр бўйи зино қилмайди”.

“Шарҳул иқноъ” ҳошияси, 4-ж, 342-бет.

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ўгай она

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

Одилбек нозиктаъб хотинини сигарет ҳиди билан беҳузур қилганини шунда тушунди. Ташламоқ керак. Хоним тирик-лигида чекмасди. Вафот этгач, болаларининг паришон ҳолларини кўриб чека бошлади. Дардимни унутарман, деб ўйлади. Фотимахоним у сигаретни ташлаш учун қандай таъсир этиш кераклигини биларди.

– Чекишни неча ёшдан бошладингиз?

– Бир йил бўлди. Раҳматли Хайрия вафот этгач, бошладим. Болаларнинг ҳоли паришон эди. Ғамим камаяр, дебман.

– Бундан болаларнинг ғами камайдимиз?

– Билмадим.

– Менимча, озаймади. Уларни овутиш, дардига чора топиш ўрнига уларни унутиб, ўзингизни ўйлабсиз. Тўғри йўл танламабсиз. Масалан, чекишга харжланган пул билан болаларнинг кўнглини олиш мумкин эди.

Фотимахоним тўғри гапирарди. Сўзларидан чекишни ташлатиш хоҳиши сезилиб турарди. Ўзи ҳам секин-секин зарарини кўра бошлаган эди. Кечалари йўтал тутса, ухлатмайди. Тонглар иштаҳасиз туради. Бунинг устига уч ярим ёш бо-

ласи сасийсиз, деб икки ойлик ўгай онасини қучса.

У кеча бу масала бошқа қўзғалмади. Аммо Одилбекнинг зеҳнини бир муддат машғул қилиб турди. Одилбек ўша кеча қилган қарорига биноан ҳар кун оз-оздан камай-тириб, чекишни бутунлай тарк этди. Бир кун сигаретни ташлагани тўғрисида суҳбатлашаркан, дўсти:

– Мен чекмайман, аммо чеканлар бир ўргангач, ташлаш қийин дейишади, – деди.

– Гўдак ўзи учун бениҳоя севимли бўлган она кўкрагини тарк этади-ку. Ақли жойида, иродасига ҳоким инсон сигаретни тарк этиши мушкул ишми? Иродасига ҳоким бўлмаганлар учун мушкул бўлиши мумкин, – деб жавоб берди Одилбек.

VI

Бир кун Ҳусайн ташқарида ўйнаётиб, уришаётган икки боланинг орасига тушди. Орачилик қилмоқчи бўлди, яъни ажратиб қўйишни истади. Ажратолмади, бунинг устига уларнинг муштларига нишон бўлди. Қўшни хотинлардан бири етиб келди ва уни уришяпти, деб ўйлади. Ҳусайнни четга тортди-да:

– Нима истайсиз бу етимчадан? Уялмайсизми?! Тортадиганини тортиб, оладиганини олиб ётибди бечора гўдак. Ўгай онанинг ўзи етмайдими? – деди.

Ҳусайн ҳайрон бўлди, не қиларини билмай қолди.

– Хола, менинг онам ўлгани йўқ, – дея олди.

Аёл унинг бошини силади:

– Сени алдашмоқда, гўдагим. Асл онагни кўрганингда эди, буни она дермидинг?! Фариштадай аёл эди. Бунинг нимаси сизга ўхшайди? Кўзларига қара! Сизнинг кўзингиз қора, уники кўк.

Эшик олдида уларни кузатиб турган бошқа бир қўшни хотин:

– Нималар деяпсан, Олмос?! Нега болани хафа қиласан? Буларни гапириб нимага эришдинг? – деди.

– Уни уришяпти, опа, етимни урадимиз? Айб эмасми?

– Хўп, сен буларни гапириб, болани хафа қилишинг айб эмасми? Яхши иш қилдингми?

– Билсин, дуч келгани она демасин.

– Нега дуч келган? Сендан, мендан яхши у хотин, машаллоҳ.

– Сен уни оқловчи бўлиб қолдингми, Самоҳат? Яхши бўлса,



икки етим боласи бор одамга турмушга чиқармиди?! Сен ҳам яхши бўлсанг, шундай хотиннинг ёнини олмасдинг. Унинг нимаси она?! Хайриянинг ўрини босолармиди?! Гапирмайсанми буларни?! Мени заҳарлама, Худо ҳаққи, менга тирғалма, тилимни қичитсанг, расвои жаҳон қиламан сени!

Гап яна чўзилиб, гапира-гапира узоқлашди. Эркаклар ўтиб кетиши билан Ҳусайнга тасалли бермоқ учун эшигини очган Самоҳат хоним унинг боши эгик ҳолда оғир-оғир қадамлар ташлаб, уйига яқинлашиб қолганини кўрди. Ичи ачиди. Эшигини ёпиб, ичкари киради:

– Разил хотин, Худодан топ! – демоқдан ўзини тия олмади.

Ҳалиги хотиннинг чиркин ҳаракатини ақлли одам тўғри топмаслиги муқаррар. Ўз онаси бордай меҳр билан қаралаётган бу болага етимлигини билдириш уни руҳан чўктириш эканини билмаслик айбдир. Балки у хотин ҳам бироз ўйласа, сўзлари болани хафа қилишини билган бўлармиди?! Аммо инсон аввал сўйлайди, кейин ўйлайди. Бир ишни аввал ўйламасдан қилиб қўйиб, кейин пушаймон бўлади. Аввал ўйлаб, кейин сўйласа, аввал тушуниб, кейин адо этса не бўларкин?

Ҳусайн истар-истамас қадамлар билан ўйчан ҳолда ичкари кириши билан Фотимахоним унга яқинлашди.

– Нима бўлди, ўғлим, тобинг йўқми?

– ...

– Гапирсанг-чи, жон болам, мазанг қочдимми? Нимани ўйлаяпсан?

Ҳусайн яна жавоб бермади. Фотимахоним ҳайрон бўлди. Уй ўртасида турган боланинг олдига чўккалаб ўтирди. Қўллари билан унинг бошини кўтарди. Юзларидан бир-бир ўпди. Ҳусайннинг кўзлари ёшли эди.

– Биров билан уришдингми, ўғлим? Нега гапирмайсан? Хўш, гапир, йўқса, онанг бўлмайман.

Ҳусайн йиғлай бошлаганди:

– Сиз менинг онам эмас экансиз. Менинг онам ўлган.

Фотимахоним не қиларини билмай қолди. Тепасидан қайноқ сув қуйилгандай бўлди. Пешонасидан совуқ тер чиқди. Бу уйга келишининг асосий сабаби уларга ўғайлигини билдирмаслик эмасмиди? Уч ой ўтмасдан бу умиди кўкка совурилмоқда. Шу билан бирга Фотимахоним охири бахайр бўлишига ишончидан айрилмаслиги керак эди. Яхши ниятли инсонларни Аллоҳ ёрдамсиз қолдирмаслигига ишонарди.

– Хўш, ким гапирди буларни, ўғлим?

– Ташқарида бир хотин.

– Сени бировга ўхшатибди, ўғлим. Қара, мен соғман. Сен менинг онам ўлгани йўқ, демардингми?

– Дедим.

– Нима деди у?

– “Сени алдашяпти, у ўғай онанг, унинг кўзлари сеникига ўхшамайди-ку”, деди.

– Сен ишондингми?

– Албатта, ишондим. Қаранг, кўзларингиз меникидайми?

– Кўзларимиз ўхшамаса, онанг бўлмас эканманми?

– Билмасам!

– Кел, бундай бағримда ўтир, сенга баъзи нарсаларни тушунтирай, қулоқ сол.

– Сизнинг бағрингизда ўтирмайман.

– Буни қаранг, онасининг кучоғида ўтирмасмиш.

Шуларни айтarkan, уни қучоқлагандай кўтарди.

Ҳусайн:

– Қўйинг мени... қўйиб юборинг... – дея типирчиларди. Вазият ёмонлашиб борарди. Уни туширди ва рўпарасига турди:

– Демак, номаълум хотинга ишонасан, менга ишонмайсан, шундайми? Мен ўғлим бор, деб қувониб юрибман. Биров учраб отанг ўлган, деса, ишонасанми, қариндошинг ўлди, деса, бунга ҳам ишонасанми? Хўш, мени она демасанг, кимни она демоқчисан? Она деб кимни яхши кўрасан? Бугунгача сени ҳеч урдимми? Ёмон гапирдимми? Айтганингни икки қилдимми, қўзичоғим? Онанг бўлмасам, шундай қилармидим? Менга она деганингда бор онангни топ, мен сенинг онанг эмасман, демасмидим? Мени хафа қилдинг, кўнглимни вайрон этдинг. Кет, қаршимда турма! Қачон келиб қўлимни ўпсанг, шундагина ярашаман.

Фотимахоним шуларни айтиб, боққа чиқиб кетди. Болага буларни гапирган хотинга нисбатан ичидан бир ғазаб

кўзғалиб келарди. Агар ёмонликка одатланган бўлса эди, ҳечқурса, у хотиннинг ортидан ёмон сўзлар айтарди. Лекин унинг тили ёмон сўзга айланмайди. Фотимахонимнинг иродаси ҳисларидан ғолиб келди, у хотинни дуойи бад этмакдан тийилиб, етимларини яхшилик йўлида дуо қилишга киришди: “Ё Раббий, гўдакларим ҳолини Ўзинг ислоҳ эт, уларга нисбатан кўнглимни марҳамат билан тўлдир, бу болаларни ўз онаси каби улғайтиришим учун Сенга сиғинаман!” Кўнглидан чиққан дуолари юксак мақомларга кўтарилди бошлади. Кўзлари равшанлашди.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Бу орада Хусайн ичкарида нима қилди ёки Фотимахонимнинг ўзи қай даража изтироб чекди, билиш қийин. Инсоннинг ичида кечадиган шундай туйғулар борки, таърифига тил ожиз, таърифлаш санокли кишиларгагина насиб этган.

Хусайн ташқарига чиқди. Фотимахонимга яқинлашди ва уч одимча берида тўхтади. Қўллари шимининг чўнтагида. Ҳаракатларидан бироз улғайгандек туюларди. Бир муддат Фотимахонимга қараб турди. Фотимахоним бошини кўтармас ва унга боқмасди. Бир пас ўтгач, сўради:

– Мендан хафамисиз?

Она демасди. Фотимахоним жавоб бермади. Хусайн бир-икки лаҳза кутгач, такрор сўради:

– Хафамисиз, мендан ранжингизми?

Фотимахоним бошини кўтарди. Кўзлари нам эди.

– Йиғлаяпсизми?

Ҳануз она демасди. Фотимахоним бошини яна эгди-ю, Хусайн унга яқинлашди. У ҳам йиғлагудек эди. Инсонга хос хусусиятлардан бири шу: ёшли кўзларга боққанда кўзлари ёшланади. Қўлини Фотимахонимнинг бошига қўйди.

– Нега йиғлаяпсиз?

Она демасди қаттиқ ҳаракат қиларди.

– Мен сенинг онанг эмасман-ку! Қоч, яқинлашма! Сўнг кўзларини артиб, уни енгилгина итарди. – Кет ёнимдан!

– Кетмайман! Ярашинг мен билан!

Овози ҳозир йиғлаб юборишидан хабар берарди.

– Ярашмайман!

Ёшли кўзлар бир-бирига бир пас қаради. Фотимахоним қўлини Хусайнга узатди. Хусайн тутди, ўпди ва пешонасига қўйди.

– Онам де.

– Онам!

– Жоним онам де.

– Жоним онам!

– Ягона онам де.

– Ягона онам!

– Онангни қучоқла, қани кўрайин.

Хусайн қучоқлади, ўпди. Фотимахоним ҳам уни бағрига босди:

– Яна шундай иш қилсанг, кўрасан, сени қандай савалайман.

Сўнг уни қўлларида ушлаб, қаршисига турғазди:

– Гапир, яна шундай ҳақсизлик қилиб, мени ранжитасанми?

– Йўқ, она.

Хусайн ҳануз онасининг кўзларини кузатарди.

– Сизнинг кўзингиз нега кўк, она?

Фотимахоним бу саволга жавоб бермасдан ўзи сўради:

– Сенинг кўзларинг нега қора?

– Билмайман.

– Мен ҳам билмайман, ўғлим. Тангрим сенинг кўзларингни қора яратган, меникини – кўк. Ҳозир сенга бир нарса кўрсатаман. Ичкаридан бир парча нон келтир. Али амакиларнинг пишагини чақирамиз.

– Нонсиз чақирсак бўлмай-дими, она?

– Ҳайвонни алдасак бўладими, кўзим? Чақирсак, бир нарса бермоқчи, деб югуриб келди, бизда эса ҳеч нарса бўлмаса, яъни алдасак, бирон нарса бермасак, гуноҳ бўлади. Инсон бугун ҳайвонни алдаса, эртага ўзига ўхшаш инсонни алдайди. Бу бечора ҳайвоннинг ҳеч кими йўқ. Биз нима берсак, ейди. Югур, оналар айтган ишни дарров бажариш керак.

Хусайн чопиб бориб, уйдан бир парча нон келтирди. Сўнг Али амакининг боғига бурилиб, “Пиш... пиш... пиш”, дея пишакни чақира бошлади. Бироздан сўнг бир пишак бу ёққа ҳатлади.

– Нонни тўғра, олдига қўяйлик.

Хусайн нон тўғрамларини олдига ташлар, пишак кузатиб турар, сўнг ўзига қулай томондан яқинлашиб, моҳирона бош силкаганча оғзининг гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафига ўтказиб ерди.

(Давоми бор.)

Йўлдош ЭШБЕК
таржимаси

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази-дамиз. Ўзини 40 ёшдаман, деб таништирган суҳбатдошимиз ўн йилдан буён эрининг тазйиқига чидаб келаётган экан.

– Ичмаган куни йўқ ҳисоб. Ҳар куни жанжал, дўппослагани-дўппослаган. Ҳеч кимга айтмай, тишимни-тишимга қўйиб келдим. Қўлимда уч ойлик болам бўлишига қарамасдан урганига чидай олмадим. Бу ўзининг зурриёди-ку, ахир,

ни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази раҳбари Муқад-



Зўравонлик, айниқса, ожиза аёллар қадрини топташ, шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан тажовузкорлик ҳақидаги хабар ҳар бир инсон қалбини ларзага солиши табиий. Душманга ҳам раво кўрилмайдиган қисмат бу. Оилавий қадриятларни улуғлаш, хотин-қизларни эъзозлаш ва фарзандларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашни муқаддас бурч деб билган юртдошларимиз бу иллатларни кескин қоралайди. Аммо айти шу мазмундаги хабарлар ижтимоий тар-

Эркакларнинг туғишганлари

ёхуд зўравонлик жоҳилларнинг ишидир

– дея базўр гапирган аёл хўнграб юборди...

Яна бир ожиза калтак сабабли икки фарзанди қорнидаёқ нобуд бўлганини айтди.

– Э, мен кўрган кунларни душманамга ҳам раво кўрмайман. 10 йил инсоф кирар деб кутдим, оиламни сақлаб қолишга ҳаракат қилдим. Афсус, охири боримни олиб, уйдан ҳайдамоқчи бўлди. Бунисига чидамадим, тўғриси.

Булар тазйиққа учраган айрим тақдирлар, холос. Тадқиқотларга кўра, қурбонларнинг кўп қисми оилавий зўравонлик ҳиссасига тўғри келмоқда. Аёллар-

Ота ва оила
Ота келгач, уйда байрам бўлса, шу ота қаҳрамондир. Уйдан чиқиб кетгач, у ерда байрам бўлса, у ёмон отадир.

Энди ўзингизга ўзингиз савол беринг-чи: «Уйда бўлганингизда фарзандларингиз севишишадими?» Шундай экан, аҳли оила ва фарзандлар билан алоқа муҳаббат ва меҳр устига мустаҳкам қурилган бўлиши лозим.

Муҳаммад Ротиб Нобулсий

дам Расулованинг таъкидлашича, икки йил ичида 20 мингдан ортиқ аёл мурожаат қилган. Икки ярим минг нафари вақтинча бошпаналарда вояга етмаган фарзандлари билан реабилитация дастурларини ўташмоқда.

моқлардан кунора ўрин олмоқда, – дейди пойтахтимиздаги “Алибек” жоме масжиди имом-хатиби Муҳаммадбоқий Ҳазратқулов. – Аёллар – она, опа-сингил, жуфти ҳалол ва қиз сифатида қадрли. Улар мерос олади ва мерос қолдиради. Никоҳда ҳам розилиги сўралади. Қуръони каримнинг ўндан ортиқ сураси ва кўплаб ҳадису шарифларда аёлларга оид ҳукмлар мавжуд. Ҳатто Каломуллоҳда Нисо (Аёллар) деб номланган алоҳида сура ҳам бор. Буларнинг барчаси динимизда аёлларга бўлган юксак эътибор намунаси.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларни камситишга чек қўйиш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини англатиш учун умматларига етарлича кўрсатма берганлар. У зот алайҳиссалом эркак ва аёлнинг асли бир экани ҳақида бундай дейдилар: **“Албатта, аёллар – эркакларнинг туғишганлари”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллардаги заифликни доимо эътиборга олар ва уларни ҳимоя қилишга ҳарис эдилар. Ҳатто видолашув ҳажларидаги машҳур хутбада ҳам аёлларга нисбатан яхши муносабатда бўлишни қайта-қайта васият қиладилар: **“Яхшиларингиз – оила аҳлига яхши бўлганидир. Мен аҳли аёлига энг яхшингизман”** (Имом Термизий ривояти).

Таъкидлаш жоиз, бугун юртимизда хотин-қизларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энди уларнинг шаъни, қадр-қимматининг ҳимояси ҳам қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонуни қабул қилинди.

Унга кўра, оилавий зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритилмоқда. Жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг замонавий халқаро норма ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, жисмоний зўравонлик билан бир қаторда иқтисодий ҳамда руҳий зўравонлик учун ҳам маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Жинсий зўравонлик содир этган шахслар муддатидан илгари жазодан шартли озод қилинмайди, жазо янада оғирлаштирилади. Албатта, бу барчаси инсон қадри учун тамойилининг яна бир намунаси бўлди.

Ҳ. ХЎЖАМҚУЛОВА,
журналист

Овқатга туз қандай солинади?

Туз заррачалари қиррали кристалчалардир. Орасида эримайдиганлари ҳам бўлади. Таомга тузни тўғридан-тўғри қўшсак, улар ошқозон-ичак деворини шикастлаши мумкин. Тузни идишда эритиб, сўнг ўша эритмани овқатга қўшиш керак. Шунда кристаллар идиш тубида қолади...

Аччиқ ва шўр нарсалар...

Соғлом киши аччиқ таъмли маҳсулотларни еб турса, гижжа, шамоллаш каби инфекцияли касалликларнинг олди олинади. Жигари оғрийдиган беморларга эса саримсоқ, хом пиёз ва қалампир истеъмоли тақиқланади.

Шўр таомлар кўп тавсия этилмайди. Чунки ортиқча туз елка, умуртқа поғонаси каби аъзоларда йиғилиб, оғриқ беради. Аммо томоқ оғриғида намакоб билан чайишнинг фойдаси катта.

Оғриқ қолдирувчи...

Ушбу рецепт лат ейиш, остеохондрозда кўл келади: 1 чойқошиқ долчинни 1 ошқошиқ асал билан яхшилаб аралаштиринг. Оғриётган жойга енгил уқалаш билан суриб, ўраб ёпиб қўйинг. Қаттиқ куйдирганида уни очиб, ювиб ташлаш керак.

Йўтални даволаш усуллари

1 чойқошиқ беҳи уруғи 1 стакан сувга 5–10 дақиқа дамлангандан сўнг овқатдан 30 дақиқа олдин ёки 1–2 соатдан кейин оч қоринга ичилади.

1 ошқошиқ асал, 1 чойқошиқ чанг занжабил, 1 чойқошиқ майдаланган қора мурч, 1 чойқошиқ майдаланган долчин ва яримта лимонни аралаштириб, кунига 2–3 чойқошиқдан овқат оралиғида ейиш ҳам йўталда фойдали.